



ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ

• • •

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА
АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ



ЎЗБЕК
АДАБИЁТИ
КЛАССИКАРИ
КУТУБХОНАСИ



Т О Ш К Е Н Т

1951

ФУРҚАТ
ТАНЛАНГАН
АСАРЛАР




ЎзССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ НАШРИЁТИ

1 9 5 1

НАШРГА ТАЙЁРЛОВЧИ
Холид Расул





ЗОКИРЖОН ФУРҚАТ

Отоқли ўзбек шоири Зокиржон Фурқат XIX асрнинг иккинчи ярмида яшади ва ижод этди. Бу даврда ҳозирги Ўзбекистон территорияси чор мустамлакаси бўлган Туркистоннинг бир қисмини ташкил қилар эди. Туркистон меҳнаткашлари мустамлакачи амалдорлар, ҳархил ва ҳар тоифа йириқчи саноатчилар, савдогарлар ва авантюристлар томонидан, шунингдек ўлка забот этилгандан кейинги янги шароитларга мослашиб олиб, Россия монархиясидаги жандарм — тўрачилик тартибларининг содиқ кўп-паклари бўлиб олган маҳаллий феодаллар, бойлар, йирик ер эгалари, судхўрлар ва руҳонийлар зулми остида шафқатсиз эксплуатация қилинар эди. Чор ҳукумати Туркистонда реакцион феодалларни онгли равишда ва ёвуз ниятлар билан қўллаб-қўлтиқлар, уларни ўз хизматига тортиб, жоҳил руҳонийларни ҳимоя қилар ва диний фанатизмни кучайтирар эди. Мустамлакачилар ва феодаллар истибоддини ағда-риб ташлашга қаратилган ҳарқандай ҳаракат, ҳар-

қандай эркин фикрлар раҳмсиз равишда бостирилар эди.

Лекин шунинг ҳечвақт унутмаслик керакки, Туркистоннинг Россияга қўшилиши билан бу кенг ўлканинг халқлари улғур рус халқидек революцион руҳдаги қудратли интифоқдош ва дўстга эга бўлдилар. Илғор рус революцион оммасининг ўзбек халқининг илғор кишиларига та'сир кўрсатиши муқаррар эди. Чор ҳукумати Туркистонга «ишончсиз элемент» ларни сургун қиларди. Сургун қилинганлар орасида революцион народникларнинг вакиллари ҳам бор эди. Сургун қилинган биринчи социал демократлар Туркистонда тўққизюзинчи йилларнинг бошларида пайдо бўлди. Илғор ғоялар Туркистон меҳнаткашлари ўртасида, биринчи навбатда эндигина вужудга келган ўзбек ишчилар синфи ўртасида, чор ҳукуматининг ҳарқандай тўсқинчиликлариغا қарамасдан, кенг сураб тарқалмоқда эди. Буюк рус ёзучилари А. С. Пушкин, И. А. Криллов, М. Н. Толстой асарларининг таржималари ҳам ўзбек тилида биринчи марта пайдо бўла бошлади.

Бу янгилликлар, реакцион ислом дини билан суғерилган ўрта аср феодал ғояларининг емирилишига ма'лум даражада та'сир кўрсатди ва ўзбек халқининг илғор рус маданиятига яқинлаштириш учун йўл очиб берди. Илғор фикрлар халқ оммаси ичига жуда секин ва жуда катта қийинчиликлар билан кириб борар эди ва бунга фақат реакцион руҳдаги маҳаллий эксплуататор синфларгина эмас, мустам-

лақа ма'мурияти ҳам қаттиқ тўсқинлик қилар эди, чунки рус мустамлакачилари халқнинг қолоқ ва нодон бўлиб қолишидан ғоят манфаатдор эдилар.

Аммо ўзбек халқининг илғор кишилари дўст блан душмани ажратиб олган эдилар, я'ни Россия империясининг ҳукмрон доирасини эгаллаган золим истилочилар киму, шарқ халқларига астойдил меҳрибон бўлган ва унга озодлик ва маданият янгиликларини бермоқчи бўлган рус халқининг ҳақиқий фарзандлари ким эканини билиб олган эдилар. Туркистонда ўрнатилган жандарм — полиция режимига нафрат блан қаровчи ўзбеклар софдил рус ўқитучилари, врачлари, инженерлари, техниклари ва рус меҳнаткашларининг бошқа вакилларига катта ҳурмат блан қарар эдилар. Айрим прогрессив ёзучиларнинг сўзларида руслардан ибрат олиш керак, рус маданияти муваффақиятларини ўзлаштириш керак, жаҳолатга ва қолоқликка барҳам бериш керак, деган садо тобора кучли эшитилмоқда эди. Бундай садо ўша вақтнинг пешқадам демократ ёзучилари—Фурқат, Муқимий, Аваз Утар ва бошқаларнинг асарларида эшитилабошлад.

Хусусан шоир Фурқат ўз халқининг бахт-саодати, ўз ватанининг тараққиётини, Россиянинг бахт-саодати ва тараққиёти блан чамбарчас боғланганлигига қаттиқ ишонар эди. Фурқат ўз ватанининг ва ўз халқининг рус халқи йўлидан бориши зарурлигини жуда яхши тушунар эди ва бу фикрни ўз ватандошларига етказишга интиларди.

Фурқат тахаллуси остида асарлар ёзган Зокиржон Холмуҳаммад ўғли 1858 йилда Қўқон шаҳрида туғилди. У дастлаб мактабда, ва сўнгра мадрасада ўқиди. Ёш Зокиржон буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг асарларини зўр мароқ билан ўқир эди. Бирнеча тилни билганлиги орқасида шоир ёшлик чоғларидаёқ озарбайжон, тожик ва форс адабиёти билан танишаолди. У Фаридиддин Аттор, Хофиз, Бедил асарларини ўқур эди.

Шоирлик таланти Фурқатда жуда эрта кўринди ва у мактабдаёқ шеърлар ёзабошлади. Оиласининг оғир моддий аҳволи Зокиржонни ўқишни ташлаб дўкондорнинг приказчиги бўлиб ишга киришга мажбур этди.

1882 йилда Фурқат Қўқон шаҳрининг илмий кишилари қаторига аралашди. Бу ерда у Муқимий ва бошқа машҳур прогрессив шоирлар билан доим учрашиб турар эди. Ўзининг хотираномаларидан бирида Фурқат бундай деб ёзади.

«... аср шуаролариким, чунончи Мавлоно Муҳ'ин, Мавлоно Муқимий...лар ҳамниша мажлис бун'ёд айлаб, зоданий таб'ларимиздин мушоира қилур эрдик ва бир газалда татаббу' кўрсатиб бир мазмун ҳарнав' тарзда ифода топар эрди... ва ба'зи вақт ишқ тавсифи ва ҳусн та'рифиди газал машқ айлаб қадимий шуоралар девонларида бир шўх газални топиб унга ҳар қайсимиз алоҳида муҳаммас боғлар эрдик. Дигар ше'р арбоблари бизлар суҳбатимизни орзу айлаб келур эрдилар. Агар би-

рор марғуб газал зоданй таб'и ўлса табиатлик кй-
шилар нусха сўраб олур эрдилар».

1889 йилнинг май ойида Фурқат Тошкентга келиб, Қўқалдош мадрасасида тўққиз ой яшади. Тошкентда у рус маданияти билан яқиндан таниша олди. Фурқат рус интеллигенциясининг Россиядан сургун қилинган демократик руҳдаги вакиллари ва Рус География жамиятининг ба'зи а'золари билан дўстона муносабатда бўлди. Улар шоирга рус тарихи ва рус адабиёти билан танишиш учун ёрдам бердилар. Бу даврда шоир рус маданиятини тарғиб қилган бир қатор ажойиб асарлар яратди.

Шоирнинг ўз халқини рус маданиятига яқинлаштиришга қаратилган интилишлари ўзбек буржуазиясининг реакцион руҳдаги донраларига, феодалларга ва руҳонийларга табиий ёқмас эди. Бунинг устига шоир уларни ҳажв қилади ва улардан кулади. Иккинчи томондан шоир ўз ҳажвининг аёвсиз зарбасини рус мустамлакачилари ма'муриятига қаратган эди. Бизга етиб келган ма'лумотларга қараганда шоир ўзининг ҳажвий ше'рларидан бирида Туркистон генерал-губернаторининг ад'ютантини қаттиқ масха'ра қилган. Шоир бу ше'рини кўпайтириб шаҳарнинг ҳамма жойларига ёпиштирган. Фурқатнинг ўша вақтда Тошкентда яшаган буюк князь Н. Романовга қарата ёзган ҳажви эксплуататор синфларни жуда ҳам ғазаблантирди.

Фурқатнинг аҳволи ғоят даражада мушкуллашди. Провардида Фурқат, рус ва ўзбек ўртоқлари-

нинг маслаҳати билан, ўз ватанини ташлаб чет элларга жўнаб кетишга мажбур бўлди. Бу сафар саёҳатдан кўра кўпроқ қувгинга ўхшар эди.

Шоир 1891 йилининг баҳорида чет элларга кетди. У бирнеча мамлакатларда бўлиб, пинҳоят Хитойнинг Син-Цзян ўлкасидаги Хўтан шаҳрига ўтади, сўнгра Ёркент шаҳрида турғин бўлиб қолади.

Ёркентда Фурқат кеча-кундуз китоб ўқиб, адабиёт, тарих, табииёт, физика ва тиб каби илмлар билан шуғулланар эди.

Шоир ёзучилик ишини давом этдириб, ўша вақтда Туркистонда ўзбек тилида чиқиб турган «Туркистон вилоятининг газети»га ўз мақола ва шеърларини юбориб турди.

Ёркентда яшагани билан шоир то умрининг охиригача Россиянинг граждани бўлиб қолди. Бу шоирнинг ўз ватанига бўлган муҳаббатини ва Туркистонга қайтиш учун муштоқ бўлганини исботлайдиган далиллардан биридир. Брок шоирнинг орзулари амалга ошмади. У 1909 йилда 51 ёшида Ёркентда вафот этди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар Фурқатнинг асарлари айрим китоб ҳолида ҳам чиқарилмаган. Бу ўз-ўзидан тушунарли: мустамлака ма'мурияти учун, маҳаллий ҳукмрон синфлар учун отоқли шоирни халққа мумкин қадар танитмаслик зарур эди. Шоирнинг асарлари турли баёзларда сочилиб кетган, уларнинг ба'зилари «Турки-

стон вилоятининг газети»да босилган ва ба'зилари қўлёзма ҳолича қолган.

Фақат бизнинг замонамизда машҳур шоирнинг асарлари диққат блан йиғилмоқда, ўрганилмоқда ва нашр қилинмоқда.

Фурқат Россия халқлари чоризм асорати остида азоб чекаётган бир даврда яшаган ва ижод этган. Бу даврда «Занжирбанд қилинган мамлакат уни асоратга солган золимлар оёғи остида инграб ётарди».¹

Меҳнаткашларнинг оғир турмушини, ҳаддан ошган чор амалдорларининг чексиз жабр—зулмини, маҳаллий эксплуататорлар ва руҳонийларнинг ҳамма жирканч кирдикорларини шоир ўз кўзи блан кўради. Ватанининг тараққиётини чин қалбидан орзу қилган шоир ўз ше'рларида эзилган халқнинг кайфиятини, туйғу ва кечинмаларини акс этдирар, зулмга ва истибдодга нафрат ўқир эди. Шоирнинг оташин ше'рлари халқни қизғин суратда севганлигидан ва унинг ҳаёти, тарихи ва маданиятига қизикқанлигидан далолат беради.

Ўзининг ҳажвий ше'рларида Фурқат бутун фаолияти ва бутун қилмиши халққа ҳиёнатдан иборат бўлган бойлар, судхўрлар, ва руҳонийларнинг жирканч башарасини очиб ташлайди:

Эй Қуқон боёнлари сизлардек инсонларга туф!
Талтайиб файтунда сурган даври давроларга туф!

¹ И. В. Сталин, Асарлар, том 2, бет 276.

Оту тўн сизнинг эмас, сизга амонат ҳовли—жой.
Еб етим ҳаққини қилган кўшк-айвонларга туф!..

Белинский сатира ҳақида шундай деган эди:
«... кишининг камчиликлари, бўш томонлари ва нуқсонларини масхаралашгина эмас, — бу, ғазабланган ҳиснинг ҳамласи, энергияси, олижаноб ғазабнинг момақалдироқ ва чақмоғидир». Улуғ танқидчи Белинскийнинг бу сўзларини Фурқатнинг бу сатира-сига ҳам татбиқ этиш мумкин.

Фурқат ўз халқининг эркин ва бахтли кунларга эришувини чин қалбидан истар эди. Шонрнинг бу истаклари унинг «Сайдинг қўёбер сайёд» деган аллегорик ше'рида айниқса яққол ифода қилган. Бу ше'рида шонр шафқатсиз овчидан домга тушиб қолган оҳуга раҳм қилишини ва уни бўшатиб юборишини талаб этади. У, бало домга тушган, тутқунликда жабр чеккан оҳу учун озодлик, қувноқ ва бахтиёр ҳаёт истайди.

Кес риштаниким, қилсин чанаклар отиб жаста,
Ҳижроида алам тортиб, бўлди жигари хаста.
Тоғларга чиқиб бўлсин ёри билан пайваста,
Кел, қўйма бало домни ичра ани побаста.

Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Қуйган жигари — бағри юзпора экан мендек.

каби символик сатрларда жабр—зулмга, асоратга қарши қаттиқ порозилик, ҳаққоният, адолат ва озодликнинг юракларга бориб тегучи та'сирли садолари янграйди.

Шоир халқнинг азоб уқубатда яшашига юракдан ачинади ва ўша даврдаги тартиблардан ўз норозиликларини изҳор қилади:

Чархи кажрафторининг бир шевасидин доғмен,
Айшини нодон суриб, кулфатни доно тортадур.

Фурқат реал ҳаётни, чинакам инсоний муҳаббатни, кишининг улуғлигини динга, дин қондаларига қарши қўяди. Шоир ғазалларида ҳаётни ва унинг бутун ғўзалликларини хис этган оташин қалбнинг тепишини эшитиб турамиз. Фикрларининг чуқурлиги, услубининг оригиналлиги, муваффақиятли ўхшатишлар, сифатлашлар Фурқат ғазалларини XIX—аср ўзбек лирик поэзиясининг энг яхши намуналари қаторига қўйиш учун имкон беради.

Шоирнинг ғоявий ва ижодий жиҳатдан ўсиши учун унинг рус халқи ҳаёти билан танишуви катта аҳамиятга эга эди. Фурқат ўзбек халқининг маданиятдан орқада қолиб бораётганлигини кўриб ва сезиб турар эди. 1890 йилнинг ёзида шоир ўзининг машҳур «Гимназия» шеърини ёзди. Бу шеърда у ўзбек халқини чинакам билим олишга ва маданиятга эришишга чақиради. Шеърда эски мактаб ва мадрасалардан ер билан осмонча фарқ қиладиган гимназияларни зўр муҳаббат ва мароқ билан тасвирлайди. Фурқат айш-ишратга берилиб кетган ва маърифатга ҳечқандай аҳамият бермайдиган хонлар ва бекларни заҳарханда билан тилга олади.

Мутафаккир, гуманист Фурқат нодонликдан қутилиш учун бирдан-бир йўл болаларни рус мак-

таблари типда ташкил этилган мактабларда ўқишда, рус маданияти билан ва бу орқали жаҳон маданияти билан танишишда деб билар эди. Фурқат диний фанатизм ҳукмрон бўлган бир даврда илғор рус маданиятининг афзалликларини куйлаб чиқиш билан жуда катта жасорат кўрсатди.

Шоир «Дейин сўз илмнинг ҳосиятидин» деб бошланган ше'рида ўз фикрларини янада чуқурлаштиради. Шу ше'рида у Россияда фан — техника тараққий этганлигини, темирйўл тармоқларининг ўсганлигини, электр ва телеграфнинг ривож топганлигини тўлқинланиб куйлайди ва яна бир карра рус маданиятига чин ихлос ва муҳаббат билдиради. У техниканинг кучини, қудратини мадҳ этар экан, Россиядаги «Аҳли ҳикмат», «Соҳиб ҳунар» рус олимларининг ихтиро'ларини руҳий кўтаринкилик билан тарафларини қилади.

Фурқат рус халқи чуқур ҳурматга сазовор эканини, у кишилиқ жамияти учун фан ва техникада янги-янги кашфиётлар қилганини, жуда катта моддий ва ма'навий бойликлар яратганини куйлайди.

1890 йилда Тошкентда очилган виставка муносабати билан ёзилган ше'рида Фурқат яна рус фани ва техникасининг муваффақиятлари тўғрисида гапирди. Бу ше'рида у электр шу'ласи рус фанининг ажойиб кашфиётидир, у киши учун жуда зарур ва ундан кенг суратда фойдаланиш керак, деб ёзади.

Фурқат рус халқининг ватанпарвар фарзанди, улуғ саркардаси А. В. Суворов ҳақида поэма ёзади.

У Суворовнинг матонатли, моҳир лашкарбоши эканлигини, ҳарбий ишни жони-дилидан севганлигини, рус халқининг душманларига қарши фидокорона курашиб, уларга қаттиқ зарба берганлигини тасвирлайди.

Шоир ўзининг бу поэмаси блан рус халқининг қаҳрамонлигини ғайрат ва матонатини, сабот ва шижоатини ифдалаб беради. Бу поэма Фурқатнинг рус халқига ва унинг маданиятига ғоятда меҳр қўйганлигини яна бир карра кўрсатади.

Фурқат Ёркентда яшар экан, 1904-1905 йиллардаги рус—япон урушига бағишлаб бир ше'р ёзади ва бу ше'рида рус халқи тўғрисида ёлғон-яшиқ иғволар тарқатган инглиз капиталистлари ва уларнинг малайларини фош қилиб ташлайди ва чор ҳукуматининг эсанкираб қолганлигига ва уқувсизлигига қарамасдан ҳамма оғирчиликларга бардош бериб катта мардлик ва жасорат кўрсатган рус солдатларини мадҳ этади. Инглизларнинг рус армиясига қилган бўҳтонларига ва уйдирмаларига жавобан шоир 1902 йилда сон жиҳатидан оз бўлган бур халқидан танбихини еган калта фаҳм, ҳасадчи инглиз босқинчилари устидан аччиқ кулади. Хинди-стонда инглизлар томонидан чиқариладиган ба'зи газеталарнинг британияли хўжайинлар берган кўрсатмаларга мувофиқ русларнинг қаҳрамонликларини ва ҳарбий сан'атларини инкор этишга уриниб ёзган уйдирмаларига жавобан Фурқат Ёркентдан туриб бир қатор публицистик мақолалар ёзади. «Хинди-

стон ғазеталари, дейди у-кўп нолойиқ ва номуносиб сўзларни ёзибдур, аксари ёлғон ва бема'нидур. Мазмунининг ҳасаднинг бўйи келадур».

Фурқат бошқа бир мақоласида инглиз тажовузорларининг тоғли афғонларни ўзига бўйсундириш, қул қилиш учун уларга қарши юборган жазо отрядлари тўғрисида нафратланиб гапирди. Фурқат ўз эрлари билан бир қаторда қўлни қўлга бериб ўз ватанининг мустақиллиги учун мардона курашаётган афғон ва блуж хотин-қизларига зафир тилайди.

Шоир жаҳон халқларининг озодлигини ва мустақиллигини поймол қилиш учун урунган инглиз капиталистларига нафрат ўқийди. Фурқат ўзининг ше'р ва публицистик мақолаларида ҳозирги вақтда уруш оловиини ёқишга интилаётган инглиз капиталистларининг ота-боболари ҳам шундай жиноятчи эканликларини, ўзларининг қора мақсадларига эришиш учун ҳарқандай хийла-найрангларга, зулмга ва жиноятларга тайёр бўлганликларини кўрсатиб берди. Ватанпарвар шоир Фурқатнинг империалистик йиртқишларга қарши ғзаб ва нафрат ҳислари билан тўлиб тошган сўзлари бизнинг замонамиздаги америкали хўжайинларининг содиқ малайи бўлган инглиз капиталистларининг чин башараларини очиб ташлаш учун ёрдам беради.

Фурқат улуғ рус халқи билан хитой халқининг дўстлигини тараннум этади. Ҳар икки халқнинг

тинч ҳаёт кечиришини ва ўз ватанларини гуллатишларини орзу қилади:

Муаззам русу чин ҳамкору ҳамдаст;
Азалдин ерлари бир-бирга пайваст.
Алар ижмодин осойиш ўлғай,
Шукуҳи дун'ёга оройиш ўлғай.

Фурқат ўз ватандошларини ҳамиша рус тилини ўрганишга тарғиб қилди. «... Русия халқи хат ва лисон ўрганмоққа бизни таклиф қилса муроди ёмон эмасдур. Балки, мамлакат обод бўлиб фуқаро ва роиялар осойишта бўлмоқларини хоҳлайдур. Азбаски, Русия халқи ҳамма вақт бизнинг давлатманд ва хурсанд бўлмоғимизга кўшиш қилади».

Оташин шоир ва ма'рифатпарвар Фурқат ўзбек халқининг XIX-аср охирлари ва XX-аср бошларидаги ижтимоий фикр тарихида катта прогрессив роль ўйнади. Унинг ше'рлари ва мақолалари нодонликка, жаҳолатга ва маданиятсизликка қарши курашда катта хизмат кўрсатди.

Шоир Фурқатнинг ше'рлари халқнинг истак ва орзуларини, замоннинг руҳи, ижтимоий ҳаётни ва ижтимоий фикрни ифода қилганлиги учун халқнинг юрагига шунчалик яқин, шунчалик ҳамоҳанг, шунчалик севимли қўшиқ бўлиб қолди. Совет халқи бадий сўз сан'аткори, ма'рифат куйчиси шоир Фурқатни севади ва қадрлайди.

Холид Расул



ГИМНАЗИЯ

Қилиб таълиф бир эфти кироми
Кириб гимназия кўрдик тамоми.
Дема, гимназияким, бир гулистон,
Эрур ҳар'ёна гулчинлар хироми.
Жаҳон илми гулининг нақҳатидин
Муаттар анда ўғлонлар машоми.
Қи таҳсили улуиу фан қилурға
Кўп ўлса шод са'ю ихтимомии.
Биринчи: дарсхона илми юнон,
Иккинчида ўқур лотин каломии.
Учинчи: Русия қонуни-илми,
Ўқурлар ихтиому ихтисомии.
Олиб тўртинчида та'лими немис
Ўқур бир жамият анда мудомии.
Яна ўхшаш анга кўп дарсхона
Фаромуш ўлди кўнглумдин асомии.
Маҳалларким ўлур ўп икки соат
Расадда тўп этиб куннинг қиёми.

Чиқарлар барча ўғлонлар ошарга,
 Эрур тайёр ул ерда таоми.
 Мударрисларгаким на илму фанда
 Этар мансух Афлотунни номи.
 Дақойиқ арсасида барқ паймо
 Барисин тавсани фикри хироми.
 Алар илминин ижод ўлса тонг йўқ
 Скандар кўзгуси, Жамшид жоми.
 Кириб алқисса ҳикматхона ичра
 Ҳама илминин кўрдик телегроми.
 Билури софдин бир чарх кўрдик
 Чиқар айланса мисдин барқ-фоми.
 Тамошодин хирад кўзи қамашур,
 Ҳама аш'ёин ҳикмат издиҳоми.
 Тилидин бошқа ҳам асбоб ҳикмат
 Эшитмак мумкин Афлотун паёми.
 Қолиб ҳайратда, қилдик офаринлар
 Бўларкан мушча русларнинг низоми!
 Эсизким, бизнинг ўтмиш хону беклар
 Кечиб ишратда зойи' субҳ шоми,
 Кетурмай ёнига бир аҳли дониш
 Ўзига ҳос этиб яксар авоми.
 Чу илму фазл элини тутмадилар,
 Қилибон тарбиятда эҳтиромни.
 Далли равшан ушбудурки, дермиз
 Ҳукумат қушга ўхшар, илм доми.
 Бас энди ўлмасин воқи' малолат
 Агар кўпдур қилай сўз ихтитоми.

Қолиб ҳайратда, қилдик офаринлар
Бўларкан мунча русларнинг низоми,
Улиб гулчин ибрат Фурқатийнинг
Бу гулшан сайрида шод ўлди коми.

ТЕЛЕГРАФ БАЁНОТИДА

Дейин сўз илмнинг хосиятидин
Баён айлаб анинг моҳиятидин,
Бу сўзни гўши бор одам эшитсин,
Узида ҳуши бор одам эшитсин!
Қўпайди илм ила ҳикмат жаҳонда,
Қўринг ўтган замондин бу замонда.
Скандарким жаҳонга шоҳ эрди,
Сиёр анжум фалак хиргоҳи эрди.
Наким офоқ ғро дур баҳр ила бар
Ҳама ўлмиш эди анга мусаххар.
Юриб барча анинг ҳукми йўлиға,
Низоми мамлакат олди қўлиға.
Анингким лашкари оламга тўлди,
Низоми дурри ҳикмат бирла бўлди.
Бор эрди тўрт минг соҳиб заковат
Ҳамиша хизматида аҳли ҳикмат.
Алар ҳар қайсиси монанд Арасту,
Хирадда балки Афлотунга қаршу.

Алар ичра эди лекин Плотун
Жамийй илм ҳикмат бирла афзун.
Қилиб бирнеча ҳикмат ошкоро,
Ажалга қилгудек бўлди мадуро.
Неча илму неча фан андин ижод
Ўлуб хосиятидин олам обод.
Скандар амри бирла ҳикмат ойин,
Қилиб ойина андоғким жаҳон бин.
Жаҳонда хоҳ баҳру хоҳ бардур,
Ўшал ойина ичра жилвагардур,
Агар қилса жаҳон бинлик таманно,
Боқиб андин қилур эрди тамошо,
Кўрар эрди қилиб анга назора,
Вале йўқ эрди сўзлашмакка чора.
Иложин аҳли ҳикмат қилмади ҳеч,
Қилурди, лек илмин билмади ҳеч.
Эрур шаҳларга лозим давлатидин
Ўлур воқиф раият ҳолатидин,
Хабардор бўлса доим мамлакатдин
Бериб нома, олиб ҳар сўз жиҳатдин.
Йироқ ерларга ёзмоқ бўлса мактуб,
Бориб келгунча ўтмишди замон кўп.
Қолиб шаҳлик иши та'хир андин,
Бўлур эрди баси дилгир андин.
Зиҳи даврони фарҳанда нишони,
Замон ўлди ўрусия замони.
Тараққий қилди кундин-кунга давлат,
Бўлиб қонун ила расми ҳукумат.

Топарга илмин айлар жадаллар,
Топиб айлаб, анинг бирла амаллар.
Бўлуб шул аср ҳикмат аҳли ҳадсиз,
Фатонат аҳли донишманд ададсиз.
Улumu фанда Афлотундин афзал
Қамоли ақлу дониш бирла акмал.
Зиҳи даврини фарҳада нишони,
Замон ўлди ўрусия замони.
Неча иш намила бун'ёд қилди,
Хусусан телеграф ижод қилди.
Ки бир соатда ул соҳиб ҳунарлар
Уч ойлик ердин олғайлар хабарлар.
Агар мағрибда бўлса кимса сокин
Ани билмоқ эрур бир кунда мумкин.
Низом ўлди сипоҳилик ишига
Етиб ҳам манфаатлар кўп кишига. . .
Масалким, Тошкентдин олсалар мол
Билни лозимки, Масковда на минвол.
Юбориб ё бориб беҳбуд топса,
Бу савдосида я'ни суд топса.
Бўлурлар телеграф ила хабардор,
Билурлар наф'и ёинки зарар бор.
Бу ҳикмат Русиянинг давлатидин
Бўлубдур илмининг хосиятидин.
✓ Скандар давлатида аҳли юнон,
Плотун ҳам Арасту бирла Луқмон
Фунуни телегроми билмадилар,
Магар илмини ҳосил қилмадилар.

Керак одамга қилғай илм ҳосил
Жаҳондин ўтмагай то маҳз жоҳил.
Жаҳон басту кушоди илм бирла
Бале, диднинг муроди илм бирла.
Қўнгулларнинг сурури илмдандур,
Кўрар кўзларни нури илмдандур.
Керак ҳар илмдин бўлмоқ хабардор
Бўлур ҳар қайси ўз вақтида даркор.
Дариғо, Фурқатий бе илм қолдим,
Ўзимни жаҳл зиндониға солдим.

СУВОРОВ ҲАҚИДА

(1890 йил 5 октябрда Тошкент театрусида)

Мўғанний нағмани, кел, айлаб оғоз,
Уруш оҳангида қил пардани соз!
Театр базминни обод қилғил,
Тамошо аҳли кўнглин шод қилғил!
Суворов, тахлитиди бир тамошо
Эрур бошдин аёғи ҳайрат афзо,
На ишким қилди у ўтган замонда,
Ани кўрсатдилар ушбу маконда.
✓ Суворовким эминин бир катта одам
Баҳодирлик билан машҳури олам.
Эмиш Русияга сардори лашкар,
Юриб амри билан бис'ёр аскар.
Сипоҳилик ишига моҳир эркан.
Қўн ишлар доғи андин зоҳир эркан.
Ўтиб чун даври хотин подшонинг,
Ўтирди тахт узра ўғли онинг,
Зухур этди яна янги законлар
Неча турлик русум ила фунунлар.

Суворовга бу иш манзур бўлмай,
Низоми тозадин масрур бўлмай,
Таарруз айлади бир неча изҳор,
Дебонким: «Бу нечук сўздир, нечук кор?»
Бу сўз масмун ўлғач подшони
Ҳақиқат айлади бу можарони.
Суворовни олиб ўзиға бир кун
Дедиким: «Бу законлар бирла қонун
Санга ма'қул эмас бўлса, ўзинг бил,
Кетиб бундин бўлак ишни топиб қил!».
Сипоҳилик Суворов тарк этди,
Бор эрди ўзи қишлоғига кетди.
Бориб деҳқончиликни қилди анда,
Тириклик айлади монанд банда.
Йиғиб ёш болаларни ба'зи авқот
Яғоч милтиқ бериб айлади солдот.
Аларға ўзини сар аскар айлаб,
Қилич чўпдин ўзиға дарбар айлаб.
Бериб машқин низоми ила юрушни,
Туриб милтиқ отарни ва урушни,
На иш бўлса ва лекин ҳар қаёнда
Билур эрди турубди ул маконда.
Юрар эрди бўлиб бир расми одам,
Ўшала қишлоқ халқи бирла боҳам.
Чиқиб ул вақтда бир паҳлавони,
Жаҳонга номи шуҳрат топди уни.
Фарангӣ эрди, нома'лумди зоти
Урушқоқ эрди кўп, Наполеон оти.

Бориб кўп мамлакатга жанг қилди,
Тамоми Ёвропони танг қилди.
Қилиб ваҳм Австрия подшоҳи,
Наполеонни қилурға садди роҳи,
Ёзиб Русиянинг шоҳига нома,
Етиб бу тарз нома ихтитома;
Ёзиб ул нома ичра бўлса на ҳол,
Ишонгулик кишидин қилди ирсол.
Битибдур: «Эй Ўруснинг подшоҳи,
Забунлар ҳомиси ҳам муттакоси,
Чикибдур бир фарангийи забардаст,
Иш анга ҳар тарафда жанг пайваст.
Агарчи подшоҳ эрмас ул одам
Ва лекин подшоҳлардин эмас кам.
Келур кўп жанг бирлаи найранг андин.
Италия, балки бизлар танг андин.
Таваққу, ушбудур эй шоҳ сизга
Суворовни юборинг эмди бизга.
Берайлик иккимиз ҳам анга лашкар.
Бўлуб жанг айласин сардори аскар»
Бу мактуб мазмуниндин бўлгач огоҳ
Қабул этди наким ёзмиш эди шоҳ.
Суворовга навозиш нома ёзди,
Ғаму андуҳдин оши чиқазди.
Қўйиб қўл, айлаб ул хатга нишона,
Ўз адютантинин қилди равона,
Юрубон ул Суворовга етишти,
Мулоқи ўлди ма'восига тушти.

Деди: «Мен шоҳдин келгон мулозим,
Мулозимлиғни этган ўзга лозим.
Навозиш нома берди шоҳ сизга,
Ҳама ёзмишлари дилхоҳ сизга».
Суворов айди: «Ман бечора одам
Манга деҳқончилик кори мусаллам.
Ушал айгон Суворов ман эмасман,
Қилинг бовар, буни ёлгон демасман,
Қилабилмас сипоҳилик ишини,
На қилсин ман каби қарри кишини».
Деди қосидки: «Йўқ-йўқ, сизга мактуб,
Ёзилган сўз тамоми сизга мансуб».
Қилиб бу тарзда ҳангома охир,
Суворов қўлга олди нома охир.
Эрур туғроси мазмуни навозиш,
Саропо лутф ила топган тироziш.
Ўқиб анда Суворов шод бўлди,
Бузулган хотири обод бўлди.
Дуо қилди борибоқ подшони,
Туриб хизматда бир мунча замони.
Ушал хизмат учун ма'мур бўлди,
Қарамлар кўп кўриб масрур бўлди,
Экан Русияга сардори лашкар.
Бериб Австрия шоҳи аскар,
Қилиб са'ю тараддуд хаттул-имкон,
Равона бўлди андин шаҳри Милон.
Фарангйлар ила жанг айламоққа,
Алар аҳволини танг айламоққа.

Қўшулиб рус бирла руми сарбоз,
Етиб Милонга қилди жанг оғоз.
Уруштилар фарангий бирла чандон,
Ким они йўқ баён этмоққа имкон.
Фарангий тоқат этмай қочди охир,
Қаро тупроқ бошига сочди охир.
Бўлуб озод алардин шаҳри Милон,
Халойиқ бўлдилар кўп шод-хандон.
Кириб Милонни лашкаргоҳ қилди,
Улуғларни ҳама огоҳ қилди.
Бор эрди анда бир шўхи дилором,
Эди Маркиза Нипули анга ном.
Эди ул шаҳр аро беклар беги ул,
Ҳама бекларни балким матлаби ул.
Турар эрди ўзининг масканида,
Ақиқу ла'л гўё ма'данида.
Хабар келди Суворов мунда келгай,
Келиб суҳбат дами сиз бирла қилгай
Етиб Маркиза Нипулига бу сўз,
Тутар эрди Суворов йўлида кўз.
Ишониб гаҳ ишонмай турди анда,
Ким онинг келиши деб бизга қанда.
«Суворов келди-келди» деб ўшал дам,
Хабар берди югуриб неча одам.
Суворов ҳам етиб келди ўшал ҳол,
Бировни айлабон ўзиға тимсол,
Бўлак одам миниб олтин ароба,

Бўлиб афти Суворовга масоба
Суворов бирнеча одам арода,
Юриб келди ўшал ерга пиёда.
Туриб Маркиза Нипули кўришти,
Саломатлик сўраб бирдан туришти...
Тутиб Маркиза Нипули ошнолиғ,
Суворовга қилиб ширин адолиғ,
Дедиким: «Келдингиз ушбу арода
Ароба узра ўлтирмай пиёда.
Бўлак одамни айлаб ўзингиздек,
Юзи онинг баайни юзингиздек.
Ароба узра они ўтқузубон,
Суворов деб ҳамага кўргузубон.
Анга та'зим қилди барча одам,
Тутишни доғи билмасдин мукаррам».
Бу аснода келибон тўрт хотин,
Суворовни ароға олдилар чун.
Сўз айтиб ҳарбириси ҳар саридин,
Қутилдик деб фарангий лашкаридин,
Қилишиб анда миннатдорлиғлар.
Дедиким: «Қилдингиз ғамхўрлиғлар».
Суворовни ҳама олди ароға,
Қулоғи бўлди кар бу можароға.
Кулиб Маркиза Нипули йироғдин.
Тамошо айлабон турди қироғдин.
Магар ичкаридин бўлдимую имо,
Турушиб кетди хотинлар ҳамоно.

Суворов чун ўзини ичкари олди,
Ароға «кантрак» деб парда солди.
Бурунғидин наким марқум этарлар,
Замона аҳлига ма'лум этарлар.

РУС АСКАРЛАРИ ТА'РИФИДА

Кел, эй Фурқат, сўзинг жўши баҳор эт,
Газетлар сафҳасини лолазор эт!
Қилиб мансух Ҳиндистон газетин
Гулистон айла Туркистон газетин.
Хаёл айлаб сабога ҳам'инон бўл
Юриб Манжурия сори равон бўл!
Зафар пайкар ўшал Русия аскар
Ҳама жанговару ҳарбий диловар.
Тамошо айлагил Епуннённи
Юборди анда беш лак аждаҳони.
Ул аждарлар ҳама оташ фишондур
Фалак барқи шароридин нишондур.
Урушмоқдинки, андоғ қон тўкишти,
Шафақ гўё фалакдин ерга тушти.
Епун аҳлидин андоғ бўлди кушта,
Қўйиб ул кушталардин пушта-пушта.
Бу ерда катта тўплар оташ афшон
Ёғиб ўқлар ҳаводин мисли бўрон.

Қилнчлар шу'ласидин ҳар шаби тор,
Чоқинлар ҳар тараф бўлди намудор.
Қазаклар ончунон ёпунини чопти,
Ки ер саҳнин ўлуклар бирла ёпти.
Чиқориб таҳсин овозин заминлар
Фалакдин келди савти офаринлар.
Қачон Дорою Искандар мунингдек,
Яна Фағфур ила Қайсар мунингдек
Нечаким, ҳарб майдонлар қурушмиш
Қачон Русия аскардек урушмиш.
Алардин икки минг йилча ўтубдур
Жаҳонни ному овози тутубдур.
Ажалнинг илкидин қолиб амонда,
Агар бўлса эдилар шу замонда,
Бориб бир гўшада тургай эдилар,
Уруш ҳангомасин кўргай эдилар.
Кўриб Русиядин ул жангу пархош
Дер эрдилар ҳама: «Шобош-шобош!»
Ҳасад аҳли бу сўз тўғри демаслар,
Ки, ёпун бур халқидек эмаслар.
Нечунким, бур халқида ҳунар йўқ,
Яна ҳарбий улумидан асар йўқ.
Қолубдур тарбиятсиз тоғ ичинда,
Темурдек занг босиб тупроғ ичинда.
Аларда ҳам уруш асбоби камдур,
Масалдурким «ақал ҳукми адамдур»,
Будурким ёздим аҳволин аларнинг,
Нечун кўргузган ихмолин аларнинг.

Инглиз-бурларнинг воқиятин
Урушган чоғда бўлган ҳодисотин.
Газетларда ўқиб кўрдик билурмиз,
Инглизга қачон та'на қилурмиз!

*

Демангким ақлу идрокнинг шошурдинг,
Ажаб Русия та'рифин ошурдинг.
Эмас ёлғон эгар та'риф қилсам,
Шукуҳи шавкатин тавсиф қилмас.
Кими ким мард эрур инсоф лозим,
Билурга сўз дурин сарроф лозим.
Кими ким билди жуғрофия илмин,
Бу сўзга фикр этиб кўргузди ҳилмин.
Аролиқ йўлини андиша қилгай,
Расийдин қанча йўл Ёпунга бўлгай.
Расийдин неча лак аскар чиқариб,
Алар андоғ олис ерларга бориб,
Неча чўлу биёбонлардин ошиб,
Олиб бормиш емак-ичмакни тошиб.
Оғир юклар борур ҳангоми ҳам бор,
Яна олоти ҳарб анжоми ҳам бор.
Бу иш Русия зўридин эмасму,
Алар та'би ғаюридин эмасму!
Бу ишни Ёвропо халқи билурлар,
Бари инсоф этиб таҳсин қилурлар.
Бу сўзнинг рамзини доно билур бас,
Нечун оташга тоқат айлагай хас?!

Қолиб қилган нуҳос асбоб охир
Чинқар асли тегиб тезоб охир.
Кел, эй Фурқат суханни мухтасар қил
Начук бўлғай яна андин ҳабар қил!¹

1905 йил

¹ Бу ше'р «Туркистон вилоятининг газети»да қисқартиб
босилган. Шоирнинг марғилонли бир дўстига ёзган мактубига
шу ше'рнинг тўлиқ нусхаси қўшиб юборилган. Унда қуйидаги
сатрлар ҳам бор эди:

Муаззам русу чин ҳамкору ҳамдаст,
Азалдин ерлари бир-бирга пайваст.
Булар ижмондин осойиш ўлғай
Шукуҳи дун'ёга оройиш ўлғай.

ЭЛЕКТРИК ЛАМПОЧКАСИ ҲАҚИДА¹

Тамошойи учинчининг баёни
Қилур тақрир килкимни забони.
Ажойибларга кўп қилдик назора,
Йўқ эрди ҳечбирисиға шимора.
Ани юздин бирин кўз кўрмагандур,
Қулоқ ҳам отини эшитмагандур . . .
Чунончи икки фонус, аҳли ҳикмат
Ясабдурлар қилиб изҳор сан'ат.
Енар бепилта, бегугурт, беёғ,
Анга бир сим ишорат айлаган чоғ.
Йўқ аммо лампа янглиғ анда соя,
Шуон боғ аро айлар кифоя.
Эмасдур шам' янглиғ шу'ласи оқ ;
Латофатда яна андин маҳинроқ,
Тамошо айлаган они халойиқ

¹ Виставка ҳақидаги ше'рининг III бўлимидан қисқартиб олинди.

Дедилар: ҳар на ўз ақлиға лойиқ,
Дедилар ба'зиким: «Бир мисға дору
Сурубдур ул ёнар бўлса қаронғу».
Дедилар ба'зиким: «Пўлскадин тос
Анга банд айламиш бир дона олмос,
Ушал олмос шом ўлганда бирдан
Бериб шу'ла қилур кўп ерни равшан».
Мени фаҳмимда барқи телегром ул,
Ёнар қувват била бўлганда шом ул.
Нечунким сим боғлаб бир-бириға,
Стун қўймишлар анинг ҳар ериға.
Ишорат айласа симнинг учидин,
Келур барқ анда қувватнинг кучидин.
Кўриб сан'ат бу янглиғ ҳайрат ойин
Қўлин тишлаб халойиқ қилди таҳсин.
Ажаб сан'атки бу дун'ёда камдур,
Вужуди келса ҳам бун'ёда камдур,
Қаёнда жам' бўлса тўрт одам,
Ва ё икки киши бир ерда боҳам.
Туриб виставка сўзин сўзлашурлар,
Яна кўрмакин бориб кўзлашурлар.
Деюрларким: Ажойиб бир тамошо,
Зерикмас ҳар киши кўрганда, асло....

1890 йил,

РОЯЛЬ ҲАҚИДА

Хирад гўшин тутинг аҳбоблар боз,
Қилур килким найи бир нағма оғоз.
Етуруб бир паёми нағма сизга,
Баён айлай мақоми нағма сизга.
На ерда нағмалик бўлса тамошо,
Қилай манзума бирла они иншо.
Тамошоларки аввал неча ёздим,
Газет бирла ани сизга чиқаздим.
Хусус икки тамошо аввал, охир,
Бири нағма, бири эрди театр.
Яна неча тамошоларни ётдим,
Ажойиб нағмаларни кўп эшитдим.
Экандур нағмаи Русия дигар,
Ани асбоби ҳам ғайри мукаррар.
Муғанний айласа гар нағма оғоз,
Чнқар ҳар қайсидин бир бошқа овоз.
Эшитмоқда ҳама хомуш ўлурлар,
Баси лаззат топиб, беҳуш ўлурлар.

Муғанний нағма бирла қийлу қолин,
Хусусан билдирур ҳар нав' ҳолин.
Бирор одам агар ғамбода бўлса,
Ва ё ғам қайди ичра банда бўлса,
Ва ё бад толи'идин бўлса ғамнок,
Ва ё иқболи пастидин аламнок,
Ва ё ўлса дилида шўр мотам,
Бўлиб ул шўр ила ранжур мотам,
Ва ёким анда бўлса шодмонлик,
Фалак даврида топиб комронлик,
Ва ё бир дилрабоға ошиқ ўлса,
Анга не сўз дегонн лойиқ ўлса,
Дилида ҳамма сўз ўлса ниҳони,
Дегай нағма забонн бирла они.
Эшитганлар ани ҳолин билурлар,
Бағоят наш'алар ҳосил қилурлар.
Ўзимға тушди бир куп ушбу аҳвол,
Бор эркан нағма онинг оти рояль,
Эшитдим, бир қиз анда баҳри ҳожот
Қилур нағма тили бирла муножот.
Ҳазин овоз ила йиғлаб қулоға,
«Карам қил—дер—мана бағри адоға».
Мақомини қилур ҳар нав'и бун'ёд.
Гаҳи қаттиқ фиғон, ҳар нав'и фар'ёд.
Гаҳи найдек чекар оҳиста нола,
Кетурурким, наво машқини хаёла.
Рояльдин менга етди шунча та'сир,
Жигардин ўтди гўё тез пар тир.

Ушал дам бўлди ҳолотим дигар гун,
Тўлиб тошди юрак монанди Жайхун.
Кўнгул эрди агарчи санги хора
Эриб қизди, сиришк урди фавора.
Кўзимга ёш келибдур ўзда йўқ мен,
Яқо чоку кўринмай кўзда йўқ мен.
Ман анда билдим ул кўнгулни ҳолин
Ғаму шодио уммиду маолин.
Тилар кўнглим тағи ул ерга етсам,
Ушал қизнинг баланд авжин эшитсам,
Етиб ул нағмадин жонимга роҳат,
Замони ўлтириб топсам фароғат,
Қи онинг товшидур жисмимга жондек,
Кезиб қалб ичра ҳар оҳанги қондек.
Аё Фурқат, қулоқ сол забт этиб ҳуш
Қи шояд наслимиз солгай дебон гўш!



Т У Ф

Эй Қўқон боёнлари сизлардек инсонларга туф!
Талтайиб файтунда сурган даври давронларга туф!
Сизни сакратган Захаров ҳам Морозов бойники
Фабрикант моли блан ҳовлиқма подонларга туф!
Фабрикаларнинг пулини еб, синдингиз бирқанчангиз,
Туф бу инсофу диёнатларгаю имонга туф!
Бўлди сизларга она сутдан ҳалол судхўрлик,
Бу ҳаром пуллардин этган ҳайру эҳсонларга туф!
Оту тўн сизнинг эмас, сизга амонат ҳовли-жой,
Еб етим ҳаққин, қилинган кўшк-айвонларга туф!
Хатми хўжа, тўй қилурсиз домлалар, бойлар учун
Қамбағаллар оч-яланғоч... қорни тўйғонларга туф!
Оқ-қаро ажратмаган сизларку бир омию хар,
Роҳи рост кўрсатмаган аллома эшонларга туф.
Фурқато, бойларга туф деб қанча ёзсанг шунча оз.
Рост эрур бу сўзларим, биллаҳки ёлғонларга туф!



БАҲОР АЙЕМИДА

Баҳор айёмида гул гашт этарга бир чаман бўлса,
Қилурға шарҳи ҳол аҳли муҳаббат икки тан бўлса.

Хазон айёмида ул тавба қилгон бўлса ҳам майдин,
Етиб майхораликнинг мавсуми, паймон шикан бўлса.

Булут қатра фишону, руҳ афзо ғунчалар хандон
Ариғларнинг лабида савсан оро бир чаман бўлса.

Ҳаволар му'тадил, ҳавзи мусаффо, бир неча ёрон,
Оқар сув ғалт уриб, себарглардин мавж зан бўлса.

Кўнгулларни элитмакликда қондек май бўлиб жоми
Ушал мажлисда соқий бир нигори симтан бўлса.

Киши тубию кавсар, жаннати рузвонни не қилсин
Жаҳон айвонида ҳосил бу янглиғ анжуман бўлса?

Суруру шодликни даҳр боғида нечук кўргай,
Камина Фурқатийнинг маскани байтулҳазан бўлса.

УМР ХУШ УТМАС

Умр хуш ўтмас баҳор айёми саҳро бўлмаса,
Лолазор нчра бисоти айши барпо бўлмаса.

Ҳосил ўлмас бода жоми бирла минодин мурод,
Жилвагар то соқийи гулчеҳра пайдо бўлмаса.

Базм аҳли бўлсалар майхўралар дўст-қадрлар
Дахлсиз ҳуш'ёрлар мажлисда аслио бўлмаса,

Даҳр гулзорида хушдур яхши та'мири бисот
Гар хазондин гарди ҳодис анда пайдо бўлмаса.

Хок бўлсун ул таниким, ишқ ўтида куймаса,
Зерпо бўлсун сариким анда савдо бўлмаса,

Фурқат айлар орзу бу анжуманни ҳар баҳор,
Одам эрмас ҳар кишида бу таманно бўлмаса.

Г У Л

Юзларингдин шарм этиб гулшанда эй рухсор гул,
Кўринур ҳар йил баҳор айёмида бир бор гул.

Ваҳки, солмиш ўзини йўлингга пояндоз учун,
Қўй қадам, то жону дил бўлғуча миннатдор гул.

Лаб гул, ораз гул, бадан гул, жабҳа гул бир нахлдин
Эй вужудинг гулшанида мунча бемиқдор гул!

Даҳр гулзорида кўп гулларни кўрди эл, вале
Кўрмади сендек латифу, нозикун бехор гул. *Watan*

Ўлмаганмуди хижолатлар чекиб ўтган баҳор,
Боз бош чекмиш, уятмасдин, ажаб беор гул.

Шул эди бу журмиға лойиқ жазоким, боғбон —
Боғлаб айлантурди чандон кўчау Сазор гул.

Хил'атидиғаин бўлса озурда нетонг, нозик танинг
Топқусидур, нечаким ўз баргидан озор гул!

Нега боқсун гул юзинга, гул юзингсиз Фурқатий
Чунки бордур ул тиконча бўлса юз гулзор гул.

КЕЛИНГ, ЭЙ АХБОБЛАР

Навбаҳор айёми бўлди, келинг эй ахбоблар
Боғ аро пўш айлайик биз ҳам шароби ноблар.

Эмди жон парвар насим бўлғоч, булут
қатра фишон
Гунчалар кулдию юз очди гули сероблар.

Сарв уза қумри, гул уза андалиб афғонидин
Учди якбора чўчиб, наргис кўзидин хоблар.

Сабзалар узра мусалсал бўлди сунбул турраси,
Бир тараф савсан аросидин равондур облар.

Қани бир ёрики, гул гашт айласак қўл ушлашиб
Беҳалал, оҳиста-оҳиста шаби маҳтоблар.

Ла'лигун соғарда соқий арғувони бодани
Сибқариб бергум эрур, ғамдин дилим ахбоблар.

Лайб эмас, бош олмасам Фурқат нигор
абрусидин

Ким сужуд этмабди, топса бу сифат меҳроблар?

КЕЛТУРУР

Кўйига беҳуд мени ул чашму абру/ келтурур,
Сихрлардурким, нетай тебранса бир мў келтурур.

Зулфидин ёрим юзи бўлса намоён не ажаб?

Расм эрур ой ёрими тунни қаронгу келтурур.

Учди уйқу белу оғзиндин дегач бир бори йўқ,

Дер эмиш рови ғалат-афсона уйқу келтурур.

меч.
Ашки доғ ўлган жигарнинг келтуриб кўз йўлидин
Лола барги пора-пора гўйё сув келтурур.

Чехрайи зардӣм кўриб, шод ўлса айб эрмаски бор

Зағфароний бода ичкан чоғда кулгу келтурур.

Ишқ савдосидин ўлган дардсарға эй табиб,

Берма сандалким, иложи чор зону келтурур!

Чарх золин ахтариб топмай мисолин оқибат

Макр ила ночор қаршусига кўзгу келтурур.

Маҳвашимнинг ҳуснини боркаш қилурға ҳар кеча

Тонгға-тегру чарх ой бирла тарозу келтурур.

Қўйари бир ғамза бирла ваҳши кўнглим қилса сайд

Фурқатий ёлғон эмас, гар Чиндин оҳу келтурур.

КЕЛИНЧАК

Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин лоларанг,
Ғозадин юзларда тобу, ўсмадин қошлар таранг.
Зағфароний кўйлак узра арғувонранг камзули
Рўймол оғушидин пешонанинг аҳволи танг.

Бори нозик панжалар олтин узукдин зебнок,
Қўл биларзукдин музайян, пуқрадин оғизда чанг,
Гавҳар осқон ҳалқалар симин биноғўшида банд,
Кўринур, зулфи тунида субҳ содиқдек аранг.

Ақлу ҳуш элтар агар турса, паридек силкиниб,
Одамизод ичра ҳам мундоғ бўлурму шўху шанг?
Йўқ қутулмоқлик менга, ул офати жон дастидин,
Қасдима қошлар камон, пайваста мужгонлар
хаданг,

Ул париваш ишқидинким, телбадурмен, гоҳ соғ,
Чунки бордур орамизда гоҳ сулҳу гоҳ жанг.

Жаврларким, Фурқат, ул шўхи жафожў айлади
Мунча бедоду ситам қилмас мусулмонга фаранг.

Мунча бедоду ситам қилмас мусулмонга фаранг.
54
Фурқат, ул шўхи жафожў айлади
Мунча бедоду ситам қилмас мусулмонга фаранг.

КЕЧАЛАР....

Махвашо, сансиз манга махзун қаронғу/кечалар
Йиғларам андоғки, ашкимдин улус сув кечалар.

✓ — — — ✓ — — —

Ёдима холинг саводи тушгач, эй ваҳший нигоҳ,
Кўзларимга мутлақо келмайди уйқу кечалар.

Йилт этиб боқсанг кўзингдин тушгуси оламга ўт
Раҳм қил жону жаҳонга, боқма кўзгу кечалар.

Дилбаро, васлинг муяссар бўлмаса йиғлаб ёнай,
Тобакай ҳажрингда оғушимда зону кечалар?

Йўл адошиб кўкда ой ҳоли паришон ўлмасун,
Бир мурувват кўргаду, тарқатма гису кечалар.

Нўш этиб, ҳар қайда, сеп ағ'ёр ила гулгун шароб,
Рашкдин мунда ичиб ман заҳри қайғу кечалар.

Халқ ичига тушмасун ошуб кўрдик деб ҳилл,
Кўчага чиқма, намоён этма абру кечалар.

Мен бу ерда тонг ёришгунча қилиб бағримни чок
Айлабон сен ғайрининг базмида кулгу кечалар.

Нега Фурқат чекмайин кунлар ғамингдин оҳким,
Муттасил афғон ишимдур сендин айру кечалар?

АЙБ ЭТМА

Йиғламоқдин бир пари ҳажрида эй аҳбоблар,
Ўнг кўзимдин оқди қону сўнгидин зардоблар.

Турралиғ зулфини ёдини қилиб бутхонада
Тушти тарсоларни зиннориға печу тоблар.

Беҳабар зоҳид санамлар ишқиға мункир ҳануз,
Қоши қайғуси блан ҳам бўлса ҳам меҳроблар.

Айбим этма, соқиё, даврон аро маст ўлмасам,
Шарбати ла'лидек эрмас бодаю унноблар.

миф Қатра-қатра ашқлар сочдим, ғамидин ҳар бири
Ишқнинг дар'ёсидиндур бир дури ноёблар.

Кеча туш кўрдимки зулфин тебратур эрмиш
насим,
Қилди ошуфта думоғим бу паришон хоблар.

Ғайр ила ёрим шароби ноб ичиб, мен Фурқатий,
Рашк жомидин ичиб тонг отқуча хуноблар.

ЕР ЮЗИ ТҮҒРИСИДА

Ораз очиб айладинг шавқимни, жоно, қўзғолон
Езма зулфнинг бўлмасун бошимда савдо қўзғолон.

Бодаи позу тағофилдин кўзнинг маст этмаким,
Қилмасун олам аро ошуб яғмо қўзғолон.

Дайр сори маст ўлуб майхонадин доман кашон
Борсанг охир бўлмасунми хайли тарсо қўзғолон?

Қоматинг нохостдин кўргач, қиёмат бўлди деб
Шаҳр эли ғавгода бўлғай, аҳли саҳро қўзғолон.

Даф'атан зулфу, хату, чашму, қаду юз кўрсатиб,
Офият аҳли аро солдинг саропо қўзғолон.

Равнақи бозор фурсат, зулф аро кўргил юзин —
Деб қилур имо қошинг айни тамошо қўзғолон.

Анча жавринг қўзғолонидин лабимга етти жон
Чекмасун, жаврингни эмди қилма асло қўзғолон.

Доимо титрак босиб исминг деёлмас Фурқатий
Айлади сиймоб янглиғ оби тилло қўзғолон.

САЙРИ БОҒ ЭТСАНГ НЕТАР?

Фасли гулдир, мен била бир сайри боғ этсанг нетар
Хаста кўнглим эски ғамлардин фароғ этсанг нетар?

Юз очиб, гулни қилиб охир паришон рўзгор,
Ғуҷани айлаб табуссум бирла чоғ этсанг нетар?

Тушти жонлар риштасига фикрдин то бу гириҳ.
Печ тобидин очиб зулфинг тароғ этсанг нетар?

Даври гардун инқилобидин баци ғамнокмен,
Дилбаро, бир жом ила та'бимни чоғ этсанг нетар?

Телбадурман кокилинг занжирининг савдосида
Ташлабон бўйнига бу мажнунни соғ этсанг нетар?

Қон қилиб гулшанда гул бағрин қизил дастурила
Лола кўксин дашт аро доғ узра доғ этсанг нетар?

Фурқатий ишқингда беному нишон қолмоқдадур
Бор эди бир хастаи деб бир сўроғ этсанг нетар?

УЛ ПАРИДЕК

Ул паридек қайси дилбарнинг рухи гулгуни бор,
Ҳам тишидек қайси дар'ёнинг дури макнуни бор?

Сарвни жониға ўт солди ўзин айлаб тироз,
Ўргулайким, они қайдоғ қомати мавзуни бор.

Фикрат аҳли диққатидин ҳеч равшан бўлмағай
Нуктаи оғзини ҳар ҳарфини минг мазмуни бор.

Икки фаттон кўзлари тутмакда қон ул нав' ким
Ҳар бири бўйнида ноҳақ минг кишининг ҳуни бор.

100/17
Лайлини Мажнундин ўзга ошиноси йўқ дема,
Сочининг ҳар торида юз минг туман Мажнуни бор.

Кўзларимдинму урар ашки муҳаббат, айб эмас,
Дилда айлайдур талотум ишқнинг Жайҳуни бор.

Меҳрибонлик шева айлаб шод ком айлай деса
Қайда мендек Фурқатий бир хотири маҳзуни бор.

И Ҷ Қ

Рамзи даҳони́дин сўз надурки ҳеч асар йўқ,
Йўқ сўзни бор демоқлик эл ичра му'табар йўқ.

Шайдо кўнгул ўшал кун кетди бўлиб грифтор,
Не бўлди келмагинин ҳозирча бир хабар йўқ.

Юрса ўзини ташлаб, ул шўх жилва бирла
Чин сўзда озмагон дил, эзилмаган жигар йўқ.

Доим иши тағофил, қайдоғ иложи охир
Юз йўл ўлиб тирилсам ўтганда бир назар йўқ.

«Хўбларга зўр ё зар» эл ичра бу масал бор,
Мен ҳастаға фиғонким бир зарра зўр, зар йўқ.

Осон унинг висоли бўлмас экан муяссар,
Йўқ эрса, ушбу йўлда мен қилмаган ҳунар йўқ.

Найлайки, ҳақ яратмиш Фурқат мени сияҳ рўз,
Шомимда бор узун тун, лекин унга саҳар йўқ.

МУНЧА ЗОЛИМ...

Мунча золим бўлмиш ул хунрез тарсо кўзларинг,
Қим солур олам элига шўру ғавго кўзларинг.

Халқан зулфинг кўнгулларни саросар банд этиб,
Қатлима тортар қошингдин тиги бурро кўзларинг.

Кетгил ул'ён деб ишорат қилса ҳар гаҳ қошларинг,
Кел бери деб айлашур оҳиста имо кўзларинг.

Майдин эрмас ҳар киши, жоно, сияҳ маст ўлмоғи,
Кўрди бир ғамзанг ҳарифий наш'а паймо кўзларинг.

Айлаганда настарин кўзгусини ҳайрон юзинг,
Интизор этмас нечук наргисни шаҳло кўзларинг.

Не учун дашту биёбонларни тинмасдин кезар
Қилмаган бўлса агар оҳуни шайдо кўзларинг?

101 Ҳар нафасда лабларинг бир нутқ ила гар жон берур
Ҳар назарда ўлдурур Фурқатни аммо кўзларинг.

КЕЛ ЭРТАРОҒ

Сўрғоли ҳолимни, эй қоши қалам, кел эртароғ,
Йиғламоқдин қолмади кўзларда нам, кел
эртароғ!

Сендин айру гўшаи ҳижрон аро ёлғиз топиб,
Ўртага олди мани дарду алам, кел эртароғ!

Хуш келибсан яхши вақт узра карамлик
шаҳсувор
Кўзларимни устига қўйғил қадам, кел эртароғ!

Муддатидур даҳр аро топмай вужудингдин
сўроғ,
Эл аро анқо каби бўлдим адам, кел эртароғ!

Эй хуш ул тунлар фироқнинг ёдима келмас эди,
Бидмайинн комим висолинг муғтанам, кел
эртароғ!

Айрилиқлар тупроғидир ёстуғим сенсиз бу кеч,
Хасратингда масканим бўлгунча ғам, кел
эртароғ!

Фурқатий ошуфта дил точанд торткай интизор
Дилда тоқат қолмади эй муҳтарам, кел
эртароғ!

СУРАТИНГ

Не балолиғ эрди, эй шўхи дилоро, суратинг
Ақлими лол этти қилгунча тамошо суратинг.

Кетди бир кўргач ани сабру қарорим шеваси,
Айлади тоқат начук чекканда фото-суратинг?

Ёки гул андом эурсан, боз келдинг дарвужуд
Айлади Баҳромдек бизларни шайдо суратинг¹

Сарв қадлар суратин чекканда наққоши замон
Бир алиф шаклида ёзмиш қадди зебо суратинг.

Кеча-кундуз жур'ат айлаб моҳ, меҳр ойинаси
Бўлмади кўрмоқ ила мустағни асло суратинг.

Фурқатий қошу кўзинг айни тасаввур айлагач,
Солди ғорат дил блан жонимга яғмо суратинг.

¹ Шоир бу байтда Алишер Навоийнинг «Саб'ан сайёра»
достоидаги бир эпизодга ишора қилади.

АЙЛАНАЙ

Ошиқа чун айладинг зулм ила бедод, айланай,
Жавр этарга олдинг ўхшар хатти иршод, айланай.

Бора-бора бемурувватликлар айлаб ошкор,
Бир йўли бердинг вафо расмини барбод, айланай.

Сендин ўргансун букун Лайлию Ширин нозни,
Ишқни мендин яна Мажнун, Фарҳод, айланай.

Бир қўлида ханжару бир қўлда тиғи обдор,
Қўзларинг қатлим учун монанди жаллод, айланай.

Бу камолу бу малоҳат ғайри имкони эмас,
Гозага муҳтож эмас ҳусники ҳамзод, айланай.

Гул юзингдин, гунча оғзингдин чаманда мунфайл,
Қоматинг шармандаси сарв ила шамшод, айланай.

Ҳар кеча базмингдин айру ташқарида чун рубоб
Нолишим тонг отқуча афғону фар'ёд, айланай.

Умрлардур етмайин васлиға доим интизор
Фурқатингда қон ютиб, мағмум, ношод, айланай.

Юз очиб қилсанг агар сайри гулистон, айланай,
Ўзни пояндоз этар гул бирла райхон, айланай.

Еткуриб васлингга эмди шод ком этсанг нетар?
Ўртабон жону дилимни доғ ҳижрон, айланай.

Икки ҳиндудур кўзинг қилғонда ханжарбозлиқ
Ҳечбири топмас амон гар бўлса минг жон, айланай.

Сунбулингни торн-торидин сабо илки саҳар,
Қўнглим авроқини кўп қилди паришон, айланай.

Ҳасрати ла'линг қилибдур ғунчадек бағримни қон,
Ийгламоғдин бўлди кўз монанди уммон айланай.

Кўзларимни мақдаминг тупроғидин тўлдирмадинг
Фурқатинг қўнглимда қолди мунча армон айланай.

Н О З И К

Чаман саҳнида дерлар сарв бирла ёсуман нозик,
Ғалатдур: қоматинг олдида гулдин пираҳан нозик.

Қачон ул Юсуфи мисрида бу ҳусни малоҳат бор?
Сўз айтмоқликда ҳам нозик, ҳама тўғрида сан нозик.

Фалак давронида кўп давр кечти даҳр золидин
Вужуда келмади асло сенингдек симтан нозик.

Каломингдин бу жонлар ичра баҳра бўлди
шунданким
Даҳан нозик, забон нозикки, лаб нозик, суҳан нозик.

Қошинг саркашлик айлаб, қон тўқарга ўлтириб эрди
Начук бўлдики, бош чекмиш кўзингга ул мижанг
нозик

Дилим андоғ назокатлар юкидин оздиким Фурқат
Хижолат шабнамидин гўйё барги суман нозик.

ИНТИЗОР ЭТДИ МЕНИ

Ва'да ёлғонлар тилисми интизор этди мени,
Бош аёғ қўйган каби умидвор этди мени.

Марг бирлаи саргаронлиғ тупроғимдин кетмагай,
Тош кўнгуллиғда қазо санги мазор этди мени.

Бўлмасун маҳрум тавфи доманим деб шукрим,
Хоки баржомондан эрдим ғубор этди мени.

Хўбрўлар ишқини қасд айладимким тарк этай,
Бўлмади, ма'зурмен беихтиёр этди мени.

Сўрмангиз бир лаҳза таскинимни, эй аҳбоблар,
Найлайин сиймоб янглиғ беқарор этди мени.

Ер кўйида фузун бўлса нетонг девоналиғ,
Та'наи ағ'ёр ила ул сангсор этди мени.

Билмадим, Фурқат, жаҳон боғида мен беранг гул
Лоладек қат-кат муқимий доғдор этди мени.

ОҲИСТА-ОҲИСТА

Вафо айлаб йироқдин ошкор оҳиста-оҳиста,
Бир ишқим айладинг, жоно, ҳазор оҳиста-оҳиста. ✓

На яхши марҳаматлар айламишсан номада изҳор ✕
Муҳаббат расми қилғил деб шиор оҳиста-оҳиста.

Нечук тоқат қилайким бора-бора зўр этиб ишқинг,
Кўнгулдин олди сабр ила қарор оҳиста-оҳиста?

Бериб таскин кўнгулға: васлиға бир кун етармен
деб,

Ўзимни ўргатай ҳажрингга ёр оҳиста-оҳиста.

Паришон ўлмайин то хотирингни жам'и қилғил деб,
Сўриб ҳолимни хат бирла бирор оҳиста-оҳиста.

Нечук тинсун кўнгул, эй кўнгул ороми вужудингсиз,
Бўлиб боргач жаҳон кўзимға тор оҳиста-оҳиста?

Ушал кун бир боқишда кипрининг мажруҳ этиб
андоғ.

Ҳануз айлаб келур кўксим фиғор оҳиста-оҳиста.

Висолинг бодасидин қилмасанг, шодоб Фурқатни
Хароб айлар уни дарди хумор оҳиста-оҳиста.

ДИЛОРОМИМ МЕНИНГ

Юзда зулфинг ҳасратидин эй дилоромим менинг,
Йиғламоқлиқ бирла кечди субҳ ила шомим менинг.

Йўқ эрур осойишим, холинг ғамидин кечалар,
Найлайин аччиқ шароф ичган каби комим менинг?

За'флик жисмим, рамақда жон ўлар ҳолатдаман,
Кечса ҳажрингда равому бўйла айсімим менинг?

Хок пойига фидо жон нақди ул қосидни ким,
Еткурур бўлса ҳузурингга бу пайғомим менинг.

Эл гумон айларки; нўшим бодаи гул ранг эрур,
Йўқ, лабинг ёдида тўлмиш қон ила жомим менинг.

Ул замонким, мен қолиб сен айладинг азми сафар,
Сен ила кетди баробар сабру оромим менинг.

Нега булбулдек фиғону қумридек чекмай наво,
Сендин айру Фурқат, эй сарви гуландомим менинг?

Оҳким раҳм айламас ҳолимға жононим менинг,
Куйди бу ҳасрат ўтида куймаган жоним менинг.

Йиғламайму гўшаи зулмат аро тонг отқуча,
Бўлмаса бир тун келиб шам'и шабистоним менинг?

Бошима савдо тушиб, ошуфта ҳол ўлмай нетай,
Жилвагар бўлса ўшал сочи паришоним менинг?

Орази гул, зулфи сунбул, кўйлаги барги суман,
Тал'ати ра'но, бўйи зебо гулистоним менинг. ✓

Гарчи ўлдим ишқида бир зарра парво айламас,
Ул тағофил пеша, истиғночи луқмоним менинг.

Қувлагандин кўйида ўлдирса эрди, кошки
Остониға тўкилса бир қошиқ қоним менинг.

Фурқат, ул маҳваш фироқида етар гардун сари
Кечадин-то субҳ чеккан оҳу афғоним менинг.

Бир тараҳҳум айламас ул шўхи жононим менинг,
Келди ҳажр андуҳи бирлан оғзима жоним менинг.

Ўлдуруб ташланг ани кўйига, эй аҳбоблар,
Итлари тирноғига бўлсун хино қоним менинг.

Ул ситамгар ишқида найлай яқо чок айламай
Бўлса олуда бало лойиға домоним менинг.

Розимен ўлсам мазорим сори бир айлаб гузар,
Десаким: Ушбу шаҳиди тири мужгоним менинг.

Қўймади кўзга аёғин нотавон кўнглим учун
Кўз блан кўнглимда Фурқат қолди армоним менинг.

Ермаднинг бир тиг ила эй гул лабингнинг ёдида.
Гунчадек тўлди бағирлар қона, айлансун қулинг!

Нега гул солмас ўзин йўлингга пояндоз этиб,
Сайри боғ этсанг юриб мастона, айлансун қулинг!

Ўтди умрим, оҳким, топмай вужудингдин сўроғ,
Ҳеч киши мендек эмас, хайрона, айлансун қулинг!

Фурқатийнинг хилватин шам'и рухинг бирла ёрут!
Жон қушини айласин парвона, айлансун қулинг!

САИДИНГ ҚҰЁБЕР САЙЕД...

Сайдинг қўёбер сайёд, сайёра экан мендек,
Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек,
Ўз ёрини топмасдин овора экан мендек,
Иқбол нигун бахти ҳам қора экан мендек,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Қуйган жигари-бағри юзпора экан мендек.

Кес риштанним, қилсин чапаклар отиб жаста,
Ҳажр ичра алам тортиб, бўлмиш жигари хаста,
Тоғларга чиқиб бўлсун ёри била пайваста,
Кел, қўйма бало домни бирла они побаста.
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Қуйган жигари-бағри юзпора экан мендек.

Беш кун сени даврингда бечора хиром этсин,
Оҳулар ила ўйнаб, айшини давом этсин,
Ёмғир суви тўлганда, тоғ лолани жом этсин,
Ҳаққингга дуо айлаб, умрини тамом этсин.

Ермадинг бир тиг ила эй гул лабингнинг ёдида.
Гунчадек тўлди бағирлар қона, айлансун қулинг!

Нега гул солмас ўзин йўлингга пояндоз этиб,
Сайри боғ этсанг юриб мастона, айлансун қулинг!

Ўтди умрим, оҳким, топмай вужудингдин сўроғ,
Ҳеч киши мендек эмас, хайрона, айлансун қулинг!

Фурқатийнинг хилватин шам'и рухинг бирла ёрут!
Ўон қушини айласин парвона, айлансун қулинг!

САЙДИНГ ҚҰЕБЕР САЙЕД...

Сайдинг қўебер сайёд, сайёра экан мендек,
Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек,
Ўз ёрини топмасдин овора экан мендек,
Иқбол нигун бахти ҳам қора экан мендек,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Қуйган жигари-бағри юзпора экан мендек.

Кес риштанним, қилсин чапаклар отиб жаста,
Ҳажр ичра алам тортиб, бўлмиш жигари хаста,
Тоғларга чиқиб бўлсун ёри била пайваста,
Кел, қўйма бало доми бирла они побаста.
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Қуйган жигари-бағри юзпора экан мендек.

Беш кун сени даврингда бечора хиром этсин,
Оҳулар ила ўйнаб, айшини давом этсин,
Ёмғир суви тўлганда, тоғ лолани жом этсин,
Ҳаққингга дуо айлаб, умрини тамом этсин.

Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Қуйган жигари-бағри юзпора экан мендек.

Саргашта бу водида бир бошига раҳм эткил,
Йўқ тоқати бандингда бардошига раҳм эткил,
Йиғлаб сенга термулур, кўз ёшига раҳм эткил,
Раҳм этмасанг ўзига, йўлдошига раҳм эткил!

Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Қуйган жигари-бағри юзпора экан мендек.

Тоғда очилиб лола, ҳар сабза баҳор ўлса,
Охир бу начук бедод, олам анга тор ўлса,
Чикмай деса жойиндин — узлатда фиғор ўлса,
Гар чиқса баногоҳи — домига дучор ўлса,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Қуйган жигари-бағри юзпора экан мендек.

Бечорани зулм айлаб, қўл, бўйнини боғлабсен,
Ҳар сори чекиб-судраб, ўлдурғали чоғлабсен,
Кўксини жафо бирла лола каби доғлабсен,
Сот менга, агар қасдинг олғучи сўроғлабсен!
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Қуйган жигари-бағри юзпора экан мендек.

Йўқ ҳуши, пари теккан девонага ўхшайдур,
Кўз ёши яна тўлган паймонага ўхшайдур,
Ғам сели блан кўнгли вайронага ўхшайдур,
Фурқатда бу Са'дулло ҳайронага ўхшайдур,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Қуйган жигари-бағри юзпора экан мендек.

ИСТАР КҮНГИЛ

Аввало саҳрода сайри лолазор истар кўнгул,
Дўст ила айшу тараб фасли баҳор истар кўнгул,
Я'ни озодликда оҳулик шиор истар кўнгул,
Қабк рафторин кўрарга кўҳсор истар кўнгул,
Гоҳи хурсанд этгудек ҳар неки бор истар кўнгул.

Гашт қилсанг аҳли дониш бирнеча аҳбоб ила,
Тўла бўлса шишалар доим шароби ноб ила,
Сув яқоси масканинг бўлса дили сероб ила,
Бодаи гулранг тортиб, ўлтуриб одоб ила,
Гусса дардин айлабон раф'и хумор истар кўнгул.

Мутриби хуш савтлар тамбурини соз айласа,
Рухпарвар ше'р ўқуб, хиргоҳи овоз айласа,
Гоҳи «Мискин» машқию гоҳи «Чапандоз» айласа,
Машқ авжига чиқиб ҳар дўст овоз айласа,
Гоҳи қонун, гоҳи фикжжак, гоҳ дутор истар кўнгул.

Сотмаса чарҳи фалак давронимиз нчра халал,
Сайр қилсак ҳар баҳор айёми саҳрою жабал,
Қилмаса боғи ҳаётимиз хазон бодн ажал,
Кўргизиб юз жаҳд айёми баҳор ўлмай бадал,
Айланиб гулшан аро сайри ҳазор истар кўнгул.

Неча кун маҳтоб тунларда олиб тарфи чаман,
Тонггача гуллар оросида тузулса анжуман,
Ой каби қилса мунаввар боғ саҳнин настаран,
Ерга нақш ўлса саросар сояйн барги суман,
Фурқатий поэтик вафоли бир нигор истар кўнгул.

Д У С Т

(Навонӣ ғазалига мухаммас)

Кўнглим истар бўлғоли ул ҳур сиймо бирла дўст,
Я'ни ул ноз офарини жилва пийро бирла дўст,
Телба қилмоқ қасдида бўлганда танҳо бирла дўст,
Ёр бўлмоқ тонг эмас, мен зору расво бирла дўст,
Қим пари гоҳи бўлур мажнунни шайдо бирла дўст.

Оғзидин истаб нишон бирдам тиниб ўлтурмоғум,
То тирикман, ўзга сўз бир нукта андин сўрмоғум,
Этмайин жондин гузар ласфи муҳаббат урмоғум,
Ла'лини севдим, кўзининг қатлидин қайғурмоғум,
Не ғам ўлмакдин, киши бўлса Масиҳо бирла дўст.

Йўқ эрур кунжи харобот ичра ҳечкимдин камим,
Хишт-хум тожим эрур, синган қадаҳ жоми жамим,
Мастлик, бебоклик доим рафиқим, ҳамдаммим,
Бода паймо зоҳид ўлса, душман эрмасдур ғамим,
Менки бўлдим бир ҳарифи бода паймо бирла дўст,

Гар бағир қони нишони кўз ёшинда кўп турур,
Онча ёшлар бошима отқон тошинда кўп турур,
Демангиз аҳли жунун нечун қошинда кўп турур,
Зулфи савдоси бу савдойи бошинда кўп турур,
Бўлса савдо аҳли, тонг йўқ, аҳли савдо бирла дўст.

Юз баҳор бўлганда олам гулшани имконида,
Йўқ эрур бўйи тароват сунбулу райҳонида,
Ётмоқ андин хўб эмасму ҳасрати зиндонида,
Сарв қадлик, гул жабинлик ёрнинг ҳижронида,
Бўлмағум не гул била, не сарв ра'но бирла дўст.

Меҳр банда оразига гарчи ул ховар шаҳи,
Бўлди ер ўлмоқ ила чархи муалло хирғаҳи,
Чашми уммидим борур фикр айлагач хоки раҳи
Ҳажридин олам қаронғудир, вале ғам йўқ гаҳи!
Жилва қилса, ул жамоли олам оро бирла дўст.

Йўқ менга чекмак йитиб кўйида ғамдин яхшироқ,
Хорлиқ ҳажрида бўлган муҳтарамдин яхшироқ.
Жаври онинг ўзгалар қилган карамдин яхшироқ,
Хасм юз меҳр ила тутган жоми жамдин яхшироқ
Тутса май дурдини юз торожу яғмо бирла дўст.

Хирс лойи бирла қилма доманинг олудалиқ,
Олам ичра бўлмағай мундин ёмон беҳудалиқ,
Сенга ташвиши жаҳону ранжу ғам фарсудалиқ

Бўлма дун'ё дўст, гар истар эсанг осудалиқ,
Лек ҳар не қилсалар бўл аҳли дун'ё бирла дўст.

Фурқато! Ич заҳр аёғи келса, қонма, дўстдин!
Талхком ўлдим дема! Ҳаркиз ўсонма дўстдин,
Тонгла мастлик қилса ҳам ҳар чанд тонма дўстдин,
Эй Навоний, неча душман бўлса ёнма дўстдин,
Чунки бўлмишдур сенга юз минг таманно бирла
дўст!

К У Р У Б...

(Навойи ғазалига мухаммас)

Лолаға боқмоқ абас рухсори олиғни кўруб,
Боғ аро наргисға ҳам чашми гизолингни кўруб,
Истамак сунбул надур зулфи кашолингни кўруб,
Саҳвдур туби демак ра'но ниҳолингни кўруб,
Ёки жаннат боғи гулзори жамолингни кўруб.

Не малоҳат эрдиким, якбора, эй зебо жамол,
Юз очиб бир жилва бирла айладнинг беҳуш-лол,
Бутмоғилким, кўз қизарган чоғ эди вақти хаёл
Равзада қавсар қироғида хаёл этдим билол,
Юз уза лаб, лаб уза шабранг холингни кўруб.

Бу замон тағри учун эй маҳваш ўзни айла фош,
Токи ул бечора айлар иштибоҳ ичра талош,
Партави нури жамолингдин тўлиб кўзиға ёш,
Соғинуру ошиқлиғингга рўбарў келгач қуёш,
Кўзгуда машиота ҳар соат висолингни кўруб.

Боғбони даҳр топмай айланиб даври фалак,
Қадду рухсoring каби бир сарви гул бўлди ҳалак,
Оразинг боринда булбул қилмади гулни тилак,
Сарвдин қумри нетонг ром қилса тубинди фалак,
Жилван қад ҳолатида э'тидолингни кўруб.

Ҳасратингдинким кўнгул зоҳир тазаллум айлади,
Соя солди бошима сарвинг тараҳҳум айлади,
Йиғладим хаттинг кўруб, ғунчанг табассум айлади,
Наргисинг афсуну гул баргинг такаллум айлади,
Ақли кул топди фриб ул фикри долнигни кўруб.

Йўқ сочинг савдосидин бир лаҳзаи тамкин менга,
Еткузуб накҳат сабо то бермаса таскин менга,
Телбаман хотир паришонлик эрур ойни менга,
Элга ишратдур янги ой кўрсалар, лекин менга
Юзланур ошуфталик мушкин ҳилолингни кўруб.

Фурқатий борсен анинг ишқида оҳи сард ила,
Музтариб ҳоли сиришки олу рўйи зард ила,
Қолма девор остида бу ранж-ғам парвард ила,
Судра ул'ён эй Навоий ўзни муҳлик дард ила
Шояд этгай раҳм ул қотил бу ҳолингни кўруб.







СОҒИНИШ

Ғамим кўп, эй кўнгул, сен беҳабарсан оҳу
зоримдин,
Фигонким, гардиши даврон айирди ўз днёримдин.

Ғуборим ишқ водисиди барбод ўлди, андоғким,
Биёбонларда мажнуи тўтиё излар ғуборимдин.

Қизил қондур сирешким, за'фарондур чеҳраи олим,
Мени ким кўрса фарқ этмас хазон бирла
баҳоримдин.

Муҳаббат дардидан ўлсам, ўтиб умрим, адо бўлғач,
Қамншлар ўрнига меҳригиёҳ унгай мазоримдин.

Адашган ит каби Фурқат қаён борғум, билолмасман,
Қачон бўлғайки, топкайман хабар ёру днёримдин.

УЛ ҚАРО КЎЗ...

У л қаро кўз кўзларига сурма бежо тортадур,
Балки андин даҳр эли ортуқча ғавго тортадур.

Қошлари остида гўё икки фаттон кўзлари
Икки ҳинду баччадурким ёндошиб ё тортадур.

Телбаланмиш зулфининг савдосидин девоналар
Қайға борса ўлтуриб ерға чалипо тортадур.

Жон ила кўнгул талошур, эй санам, дарду ғаминг
Бирни сол кўнглимғаким жон бирни танҳо тортадур.

Қокилингдан бўй олган боғнинг тупроғидур.
Боғбон сотмаққа доим мушки соро тортадур.

Не билур Юсуфки ўз ҳусни ила мағрурдур
Ул қадарким ишқ дардини Зулайҳо тортадур.

Ишқни пинҳон тутарга бўлма шайдо эй кўнгул,
Мушки пинҳон бўлса бўйи ошкоро тортадур.

Чархи кажрофторнинг бир шевасидан доғмен,
Айшни нодон суриб, кулфатни доно тортадур.

Сориғ олтин касрати кўнгулни айлайдур қаро
Чунки сафро бўлса ғолиб ўзга савдо тортадур.

Булҳаваслар торта олмас нозанинлар нозини,
Фурқатийдек бекасу шўрида расво тортадур.

КАШМИРЛИ ҚИЗГА

Бир қамар сиймони кўрдим балдаи Қашмирда,
Кўзлари масҳуру юз жоду эрур тасхирда,

Зарра-зарра зар сочар бошига ҳар кун офтоб,
Субҳ келгач, кеча ётиб чашмаи эфирда.

Бир кўриб чоҳи-зақан Ҳорут ила Марут иков,
Чоҳи Бобил ичра қолмишлар бўлак тадбирда.

Лам'ан қийғоч кўзидиндур онинг барқи нигоҳ
Тезлик жавҳарлари гар бўлса ҳар шамширда...

Фориғ эрмас ҳечким ул дилрабонинг ишқидин
Зулфиға дил босталиғ ҳар бир жувону пирда,

Айдим: «Эй, жон офати, зулфинга бўлмишмен асир!»

Айди: «Бул савдони қўй, умринг ўтар занжирда!»

«Нуқта лаб устида бежодур» — дедим. Айди кулиб:
«Саҳв қилмиш котиби қудрат магар таҳрирда»,

Айди: «Эй бечора, қилдинг на учун тарки ватан?»

Мен дедим: «Фурбатда Фурқат бор экан тақдирда!»

ТИҒИ ҲАЖРИНГДА

Тиғи ҳажрингда равому бағрим афкор айласам,
Хаста жонимга ўзим ҳар лаҳза озор айласам?

Раҳминг асло келмади ишқингда жоно гарчи ким,
Дилни сўзон, ўзни гир'ён, кўзни жўйбор айласам.

Дарди ҳажринг торта-торта ончунон бўлдим наҳиф,
Танда дармон қолмадиким, нолаю зор айласам.

Гул юзингнинг ёдида қон йиғламоқ бўлди ишим,
Кўз ёшимдин тонг эмас, оламни гулзор айласам. 12

Тоқат этмай, мунча тамкин бирла куйгай тоғлар,
Ўтлуғ ишқингдин агар бир шу'ла изҳор айласам.

Ошиқи содиқлиғимга бовар айларсанму ёр,
Қози муҳрин бостуриб, хат бирла иқроор айласам?

Кўр бўлсун кўзларимким, ўзгаға солсам назар,
Жонга ўт тушсун агар сендин бўлак ёр айласам.

Эй пари, бўлғай қачон бир тор зулфингдин асар,
То жунун даф'и учун бўйнимга зиннор айласам.

рқатинг даштида ман лаб ташна мундоғ оҳким,
адинг ҳаргиз ани шодоби дийдор айласам.

СЕНИНГДЕК ЯХШИ ЁР УЛМАС

Жаҳон боғини ахтарсам сенингдек гул'узор ўлмас
Суманбар, сарв қомат, гунча оғизлиқ ннгор ўлмас.

Йўлинг узра бўлиб гар тупроғимдин юз замон
наргис,
Очилса сен учун тонг йўқ, демаким интизор ўлмас.

Кўзинг махмуридурман сибқориб ўтган блан соқий
Шароби ноб ортиқ дурддан раф'и хумор ўлмас.

Нечук бедодгар, бераҳм дилбарсанки ишқ аҳли
Жаҳон таркин қилибон, жон бериб ҳам э'тибор
ўлмас.

Қулингман, ҳариа қилсанг айлагилким, ихтиёрингдур
Инони ихтиёрим сенда, менда ихтиёр ўлмас.

Кечибдурман, сени ёр ўлса шояд деб, диёримдин
Кетай ёр ўлмасанг эмди, диёринг ҳам диёр ўлмас.

«Надеб ранжида бўлдингким, бу ёзган номада»

дебсан

Қасам ичсам агар сандек киши бизларга ёр ўлмас.

Бўлиб савдозада ишқинг ҳавосидин ҳазин кўнглум
Дамн гул накҳатидин тургали Фурқат қарор ўлмас.

О Х К И М...

Оҳким ҳамдард йўқ, дард ошкор айлай десам,
Езғали шарҳи ғамимни ғамгусор айлай десам.

Ваҳшатим элдин буким, ваҳшидин ўлғайман малул
Ваҳшилардек гар мақомим кўҳсор айлай десам.

Ихтиёрим буки, эл қўймас ғариб аҳволима
Ўтлуғ оҳим кечалар шам'и мазор айлай десам.

Боғ ила саҳро кўнгулдин айламас ғам раф'ини
Сайри гул ёрила сайри лолазор айлай десам.

{ Ёрсиз тарки диёр айлаб эдим, аҳбоблар,
Бор диёру ёр йўқ, азми диёр айлай десам.

Ваҳки бир мушкул писанд ишқиға бўлмишман асир,
Бўлмағай манзур жон нақдин нисор айлай десам.

Ул париваш зулфининг савдосидин девонамен,
Турғали бир ерда имкон йўқ қарор айлай десам.

Ҳар кеча ноламдин элға шунчалар бердим малол
Таркиға йўқ ихтиёрим ихтиёр айлай десам.

Дилдаги доғимни Фурқат лоладек ифшо қилур
Қатра-қатра қон ёшим жўши баҳор айлай десам.

Л О Л А

Ўшар нечун руҳингга саҳро юзинда лола,
Қолғон қазо чўлинда бир қон юқи пиёла.

Тубига этди ташбиҳ, жоно, қадингни восиф,
Билмай бу боғ сарвин ўхшатти эски тола.

Чиқди фалакка, нечун сенга етишмас эй моҳ
Ҳажрингдаким, чекармен ҳар кун фиғону нола...

Ўлдим десам ғамингдин ўз олмайин этурсен,
Маҳзи тағофил айлаб, бир ўзгаға ҳавола.

Хўб ул замонки эрдим: васлингга шоду масрур
Бу айрилиқ замонлар келмас эди хаёла.

Раҳм айлагил, нигорим, минба'д тоқатим йўқ.
Охир бу ҳола тушдим кўнглимға сола-сола

Шундай озиб кетибмен мен хаста Фурқатингда
Туткил элим, карам эт еткур дами висола.

БУСТОН ИСИ

Элга келгач чоғ баҳор айёмида бўстон иси,
Ер кўйидин келур менга гули ризвон иси.

Гул исин истаб ҳамиша из қувиб гулшан аро
Токи еткузгай машомимға сабо жонон иси.

Ул санам қайбир чаманда зулфин ифшо айласа,
То қиёмат келгай ул ердин гули райҳон иси.

Гул хазон этмоққа келса боғ аро боди самўм,
Булбули дил ҳастаға андин келур ҳижрон иси.

Ул ситамгар дарди ишқидин бағир андоғ эзик,
Ешларимдин ер юзига келгудек тўфон иси.

Айрилиқдин қон ютиб қолдим жаҳон гулзоридан.
Топмасам шўрида Фурқат бир гули хандон иси.

Й И Г Л А Д И

Ҳар кеча ишқингда, жоно, кўзларим қон йиғлади,
Лоладек доғ ўртаниб оҳу-биёбон йиғлади.

Кечалар анжум эмас, ерға тўкилган онқадар
Раҳм этиб, ҳолим кўриб гардуни гардон йиғлади.

Абри борон эрмас эрди ул баҳор айёмида
Тош эриб оққан каби бахтимға чандон йиғлади.

Кўз ила қошинг ғами овора қилди шунчалар,
Сўзишимдин ўртаниб шам'и шабистон йиғлади.

Не машаққат ичра махфилик шиор ёзган хатинг
Дийдабўс ўлғач азизам бизда виждон йиғлади.

Езгуча, сенга ғазални қон бўлиб оқди жигар,
Кўнглим ўртанди, эзилган бағр ила жон йиғлади.

Сачраган саҳни фалакка ҳар тараф эрмас шафақ
Фурқатингда қон сочиб, шоми ғарибон йиғлади.

Қ А Н И

ен каби эй шўх жоду офати жонон қани,
ивада ошуб даҳри фитнаи даврон қани.

стадим оғзинг каби бир ғунчани гулшанда йўқ
Кўзларингдек наргису зулфинг каби райҳон қани.

Шунчалик хушбў назокатлик эрур қайси чаман,
Ел тараб ўтган сочингга етгудек имкон қани.

Белу оғзинг ҳасратида бўлди маҳкам, тангу тор
Турғали бир ерда менга сабрла сомон қани.

Деб эдинг ўлганда ҳам руҳингга айларман вафо,
Войким буздинг тирикликда, ўшал паймон қани?

Сўрғали ғамдийда ҳолим нотавон кўнглим учун,
Бу бузуқ кулбамга бир кун бўлганинг меҳмон қани.

Рўзгорим тийрадуру тарқоқ сочинг савдосидин,
Фурқатийдек бир умр ошуфта саргардон қани.

К У З И Н Г

Май ичиб ким, ғамза тиғин обдор айлар кўзинг,
Ҳар нигоҳда юз кишини дилфигор айлар кўзинг.

Холинг ошуби ҳабаш иқлимига яғмо солиб,
Фитнадин торож мулки зангбор айлар кўзинг.

Айламас тоқат нигоҳингга агарчи бўлса тош,
Кўзгуни сиймоб янглиғ беқарор айлар кўзинг...

Рахна солиб даҳр аро қилди Ҳалоку даврини
Қўрқаман эл қонидин сув жўйбор айлар кўзинг.

Ой юзинг узра қошинг ўтрусида Миррих ўлиб
Қудси бурчида қиронлар ошкор айлар кўзинг.

Накҳати зулфинг ушотиб нофан чин қадрини.
Оҳуи дашти Хўтанни шармисор айлар кўзинг.

Базм аро гулранг май сун нўш қилғонда гаҳи
Фурқатийга бир боқиб раф'и хумор айлар кўзинг.

РОСТ СЎЗ АЙТСАМ АГАР...

Д аҳр аро мен чекмаган жабру жафолардин бири,
Қолдиму ҳам кўрмаган дарду балолардин бири.
Рост сўз айтсам агар, ул ибтилолардин бири,
Тоқат этмас дарди ишққа мубталолардин бири,
Шарҳи ғам қилсам қани бағри адолардин бири.

Чархдек гир айланиб ишқида саргардон бўлуб,
Арсаи оламни кездим бесару сомон бўлуб,
Ғам блан ўлдим асири, ғуссаи ҳижрон бўлуб,
Қору борим кечаларда нолау афғон бўлуб,
Сўрмади ҳоли дилимни ошнолардин бири...

Дер эдим доим ўзим олам аро хуррам тутай,
Ёр ўлиб айшу тараб аҳлиға, тарки ғам тутай,
Даҳр аро озодалар домонини маҳкам тутай,
Ўзни дарду қайғудин айруча мустаҳкам тутай,
Чунки ҳосил бўлмади ул муддаолардин бири.

¹ Қисқартиб олинди.

Меҳрибонлик пеша айлаб, кимга кўргуздим вафо,
Тарки меҳр айлаб манга ҳаддин фузун қилди жафо.
Йўқ эрур мандек киши толи' забун, бахти қаро,
Минг вафоға бир вафо ҳам кўрмадим олам аро,
Қолмаган эркан менга аҳли вафолардин бири.

{ Дўстларим ўз чорасига чорасиз бечоралар,
Хамдамим тиғи аламдин сийнаси садпоралар,
Бистарим хоки мазаллат так'я санги хоралар,
Ғамгусоримдур балият даштида оворалар,
Маҳрами розим эмас муфсид ғинолардин бири...

Фурқатий бир сарв қомат ишқида бўлган асир,
Қумри янглиғ тортарам шавқида фар'ёду сафир,
Қош ила мужгонидин ёнимда тиг, илгимда тийр,
Чуғздек вайрона ичра гарчи бўлдим жойгир,
Бир хабар олмас келиб пайкар ҳумолардин бири.

АДАШГАНМАН

{x Манам шўрида булбул бўстонимдин адашганман,
Юзи гул, қомати сарви равонимдин адашганман, x
Дилим ҳажрила қондур дилистонимдин адашганман,
Ғариби кўйи ғурбат хонумонимдин адашганман,
Ваё бир мурғи ваҳший ош'ёнимдин адашганман.

Нетонгким, ла'ли ёди ғунчадек бағримни қон айлар,
Хаёли наргиси андоғ наҳифу нотавон айлар,
Ниҳони куйдуриб ҳажр ўти пўсту устухон айлар,
Тирикмен зоҳир аммо, халқ бир одам гумон айлар,
Ва гар не мағз тандур асли жонимдин адашганман.

Биёбон гирди мен Мажнун каби Лайлони ёдида,
Бўлуб ошуфта, занжири жунун басту кушодида,
Қилурмиш қат'и раҳ ҳаркимса охир ўз муродида,
Югурсам ҳар тарафга, айб қилмангким бу водида
Мисоли телба итмен, корвонимдин адашганман.

Қилиб ёд ўтган умримнинг чаман, оби равонидин,
Бу ғурбатномаларни ёд олиб савсан забонидин,
Тикон захмини англаб ғунчанинг қонли даҳонидин,
Ўқуб гул дафтарининг бир варақ фасли хазонидин,
Жаҳон боғида булбулдек ғиғонимдин адашганман.

Бошимга тушти ғурбат офтоби не илож айлай?
Қўнгулни эл диёри ичра бебоғ, ибтиҳож айлай,
Бориб кимга ғариблик бирла арзи эҳтиёж айлай?
На суд андинки шарҳи достоним юз қулоч айлай?
Фалакнинг гардишидур, соябонимдин адашганман.

Қадимни ҳам кўранлар ишқ бори меҳнатидан дер,
Танимда нотавонлиқ бўлси ҳам касратидан дер,
Қаёнда бўлса бир ғурбат қашида улфатидан дер,
Замон аҳли бу ҳолимга сабабни Фурқатийдан дер,
Неча йилдурки, даҳр ошуб замонимдин адашганман.





БУМБАЙДАН ХАТ¹

Ассалом, эй аҳли хуш аҳбобу, дўсту, ёрлар
Ҳамнафас, содиқ биродарлар, неку атворлар,
Ҳофизи хуш лаҳжалар, тамбурилар, сантурилар
Нолачи машшоқлар, нохунда мусиқорлар!

Соғ борсизму, қалайсизлар, саломатлармусиз,
Молу жон борму амон, эй яхшилар, ҳушёрлар?..

Айласа тангри муяссар, бор эса нони насиб
Кўришармиз охири биркун бориб дийдорлар.

Умрингиз нахли жаҳон боғида бўлсун сабзалар
Давлату иқбол бўлубон унга баргу борлар...

Эй мени ғурбат аро маҳзун дилимни овлаган
Одамият пеша соҳиб. жуд мардумдорлар.

Шодмен сизлардин, ўлгунча миннатдорман,
Пос хотир тутдингиз шафқат блан бис'ёрлар.

¹ Қисқартиб олинди.

Соғиниб дийдорингизни бир-бир айтурман салом
Келса-кетса Макка соғи тоғфи завворлар.

Бу вилоятлар мақоми бошқадур эмди қани —
Суҳбатингизда душанба кунғижжаку, сегорлар.

Айлар эрди гоҳ Фарзинхон «Сувора» машқини,
Яхши савт ила Фузулийдин ўқуб, аш'орлар.

Фурқатий Бўмбайдин этдим эмди Ҳиндистонга азм,
Пардаи қисматда не юз кўрсатур асрорлар.

МАКТУБ¹

Тилар эрдим саҳар вақти чаман эсган саболардан
Саломим еткуриб, келтур хабар деб ошнолардан.
Сенга бўлган қадимий дўстлар авзон дигардур
Минзожи мухталлифдур элини тағ'йири ҳаволардан.
Дедим: Яхши насиҳат айладинг эй носиҳи мушфиқ,
Қулоғим ҳуққаси тўлди дури қиймат баҳолардан
Келиб бу шаҳрга кўп ою йиллар; ўтди, дарвоқи',
На келди ошнодан хат, на хешу-ақраболардан...
Ватаннинг иштиёқин тортарам ғурбат ғами бирла,
Турубдурман қутулмай ғуссау ранжу инолардан.
Баногоҳ келди шавқомизлиғ манзума мактубинг,
Ишорат айлаган зимнида ҳархил муддаолардан.
Ўқуб, улдам оқарган кўзларимни айлади равшан,
Сисёҳига эзиб эрдинг магарким тўтиёлардан.

¹ Марғилонли Мулла Тошболтуга ёзилган хатдан қисқартиб олинди. Тошболту марғилонли «Ронқ» тахаллусли шоирдир. У сувоқни ва мактабдор бўлган.

Муқимий, Нисбатий ўлди, демишсан, ўлса
 ўлимишдур,
 Малул бўлма, жаҳон холи қолурму ҳеч расолардан.
 Демишсан: Муҳ'йню, Завқий тирикдур, шукр, хуш
 бўлдим,
 Худо қилгай саломат асрабон ҳархил балолардан.
 Муқимий, Нисбатийнинг нисбатини мен сенга
 бердим,
 Алардек бўлма, лекин ўзни тўхтатгил ҳижолардан.
 Укомиз Эрмуҳаммад Сим аро тилмоч бўлиб эрмиш
 Ёмон кўздин худо маҳфуз қилгай ҳам қазолардан...
 Менинг ҳолимни сўрсанг Ёрканд шаҳрида сокинмен
 Биҳамдиллоҳ бўлуб мамнун ҳама завқу
 сафолардан...

{ Хўтан оҳуларидек онча саргардон бўлубдурмен
 { Сочи мушки Хито рашки хаёли дилраболардан...
 Баҳор айёми саҳролар фазоси боғ ўлур гўё
 Фароғатлар етар дилға ҳавойи жонфизолардан...
 Борурмен гар қутулсам бу тилисми ҳайрат афзодин
 Етиб имдод ҳолимға жаминий муддаолардан.
 Тирикму жаҳмириш Ҳожи Асомиддин деган анда
 Қутилган юз балойи ногиҳону можаролардан.
 Етургил Холмуҳаммад Хожининг анга саломини
 Сўрайдур қавму хешу ошноу рўшнолардан.
 Деюрким: Бир тароғ айлар эдим савғоти ҳожимга
 Агар чиқса эди бир кўса қосид бу аролардан.
 Қилурман дўстликдин бир насиҳат сенга Тошболту
 Бўлурсан гар қабул этсанг ани аҳли сафолардан.

Расолиғ орзу айлаб камола гар етай дерсан
Таарруз айлама ҳам шиква қилма норасолардан.
Агар нафсоният таркини қилсанг бу кифоятдур,
Келай мақсадга энди бор эдинг таб'и расолардан
Олиб ёдиға сўрмас кимса Зокиржон Фурқатни
Агарчи айтадур доим дуо боди саболардан.



Л У Ф А Т

Абр—булут.

Абришим — инак.

Абрў — қош.

Авроқ—варақлар, саҳифалар, барглар.

Авқот — вақтлар.

Ажуза — кампир.

Айём — кунлар.

~~Алмаз—энг мукаммал.~~

Алтоф — лутф-марҳаматлар.

Алгараз — хулоса, қисқаси.

Анбар — хушбўй нарса, атр (инбра).

Ангиз — 1) қасд; 2) қўзғотучи.

Андалиб — булбул.

Анжум — юлдузлар.

Анжуман — ўлтириш, йиғилиш, мажлис.

Апис — улфат, ғамхўр.

Анқо—оти бор, ўзи йўқ афсонавий бир қуш (адабиётда киноя
йўли билан дун'ёда мавжуд бўлмаган ҳарбир нарсани
анқо дейдилар).

Арақ — терлар.

Арса — майдон, саҳн, ер ма'носида ҳам келади.

Арғувон — қизил гулли дарахт.

Асомий — исмлар, номлар.

Асорат — асирлик.

Асрор — сирлар

Атвор — фе'ллар, қилиқлар.

Афгор — ярали, мажруҳ, ўртанган, соғинган.

Афзо—сўзга қўшилиб, орттиручи, ўзайтиручи каби ма'нони билдиради (руҳафзо — жонни қувонтиручи).

Афзун — кўп, зиёда, ортиқ

Афсурда — сўлгин.

Афшон — сочма, сочилган, ба'зан ўрилмаган соч ма'носида келади.

Ахзар — кўк.

Ахтар — юлдуз.

Ашжор — дарахтлар.

Ашк — кўз ёши.

Аш'ор — ше'рлар.

А'жоз — му'жизалар.

Ақд — 1) боғлаш, банд қилиш; 2) маржон.

Ағ'ёр — бегоналар, бошқалар (гайрининг кўнлиги).

Аҳбоб — дўстлар, ошнолар.

Аҳмар—қизил.

Аҳсан — офарин, балли.

Балда — шаҳар.

Байзо — оқ, яди байзо — оқ қўл; Мусонинг лақаби, я'ни пес қўл.

Байт — 1) уй, жой; 2) ше'рининг икки мисран, йўли.

Байтул ихзон, байтул-ҳазан — ғамхона (ғам уйи).

Балият — озор, балолар, қайғулар, бахтсизликлар.

Бар — 1) этак, ён ва қўйини; 2) ҳосил, унум.

Барбат — чолғу асбобининг номи.

Баржомонда — бир жойда ўлтириб қолган, шол, сафарга чиқмаган киши.

Барр — қуруғлик.
 Бархўрдор — маиғаатдор, баҳраманд.
 арқ — чақмоқ, яшин, электрик.
 аста — боғланган.
 аҳр — денгиз.
 Бехор — тиконсиз.
 Билкул — бутунлай.
 Билур — тиниқ шиша, хрустал.
 Бистар — ўрин, тўшак.
 Бин — кўручи; хурдабин — майда нарсаларни кўрабилучи.
 Битафсил — бошдан-оёқ, муфассал, тўлиқ.
 Бовар — ишонч, ишонинш.
 Бок — қўрқув; бебок — қўрқувсиз.
 Бол — қанот.
 Боло — юқори.
 Бор — юк; боригарон — оғир юк.
 Боҳам, баҳам — биргалашиб.
 Булҳавас — кўнгли нимани ҳавас қилса, шуни қилмоқни орзу
 этадиган киши, беҳуда ҳавас қилучи.
 Виқор — вазминлик; ҳар кимнинг ўзига ярашган муносиб
 фахр, муносиб ғурур; оғир ваз'ият.
 Вомиқ — шоир Жомий дostonларидан бирининг қаҳрамони.
 Восн'—кенг; вус'ат — кенглик.
 Вофир — жуда кўп, мўл, фаровон.
 Воқиф — хабардор.
 Гириҳ — тугун, буришиқ, чимирлиш.
 Гису — соч, кокил.
 Гулгун — гулранг, гулга ўхшаш.
 Гўш — қулоқ.
 Гўша — бурчак.
 Дабристон — мактаб.
 Даввор — айлангучи, айланучи олам.
 Дайр — бутхона; дун'ё.
 Дайри муғон — оловга топинувчиларнинг ибодатхонаси.

Дамсоз — сирдош, рафиқ.
 Дақиқ — поэтик, ингичка; дақойиқ — поэтик нарсалар.
 Даҳр — дун'ё.
 Дебо — юпка ипак кийимлик, материя.
 Дом — тузоқ.
 Дурахшон — ялтироқ, порлоқ.
 Дурж — қийматбаҳо тошлар солинадиган қутича табассум
 чоғидаги лаб.
 Евар — ёрдамчи.
 Жабин — пешона.
 Жайхун — Амудар'ё.
 Жапोजў — жафо қилучи.
 Жа'д — бўй, ҳид.
 Жаҳд — бирнарга қаттиқ киришиш, тиришиш.
 Жом — қадаҳ, пиёла, рюмка.
 Жоҳ — улуғ мансаб, бойлик, мартаба.
 Жуд — саҳийлик, эҳсон.
 Журм — гуноҳ, айб.
 Жур'а — бир қултим, бир ютим.
 Жустжў — қидириш, текшириш.
 Жў — ариқ; жўйбор — анҳор.
 Жўши баҳор — кўклам тошқини.
 Забун — оёқ ости, хор.
 Заковат — закийлик, поэтик фаҳмлик.
 Зард — сариғ.
 Занах — жағ, ияк, занахдон — бақбақа, ияк ости гўшти.
 Зариф — доно, зийрак; поэтик.
 За'ф — кучсизлик, хасталик.
 Зерпо — оёқ ости.
 Зеҳн — қандай яхши (ундов).
 Зол — 1) ҳийлагар кампир. 2) Шаҳнома қаҳрамони Рустай
 нинг отаси.
 Зоҳид — сўфи, дин йўлида тарки дун'ё қилган.
 Зудо — аритучи, кетказучи.

Зулф — соч.

Зухд — зоҳидлик, сўфиллик, тақводорлик.

Ибтило — мубталоллик.

Ибтиҳож — очилиш, хурсанд бўлиш.

Идбор — бахтсизлик.

Издихом — тўпланиш, катта тўда.

Иктиҳол — кўзга сурма тортиш.

Инфиол — ҳижолат чекиш, таъсирланиш.

Ифқиёд — бўйсунуш, итоат.

Ирсо — юбориш, етказиш.

Иртибот — боғланиш, бир нарсани бир нарсасига боғлаш.

Иршод — йўл кўрсатиш.

Истиғно — тортиниш, эҳтиётсизлик.

Ифшо — ошкор қилиш, фоти қилиш.

Ихтисом — душманлик қилиш, хусумат.

Ихтитом — тугалланиш, тамомланиш.

Иштибоҳ — шубҳа.

Иътидол — ўртача ҳолат.

Иътисом — бирор нарсасига қаттиқ ёпишиб олиш.

Иқд — шода, иқд парвин — юлдузлар шодаси, ҳушкар.

Иҳтироз — сақланиш, ҳазар қилиш, тортиниш.

Кабк — каклик.

Кажрав — тескари юручи.

Кажрафтор — тескари айланучи.

Калисо — черков, бутхона.

Калом — сўз.

Касрат — кўплик.

Килк — қалам, қамиш қалам.

Қишвар — ўлка, мамлакат.

Ком — баҳра, мақсад, истак.

Ком'ёб — баҳраманд, мақсадга эришиш.

Кофур — оқ тусли хушбўй дори.

Кунжойиш — жой топиш, сиғиш.

Кушта — ўлган, ўлдирилган.

Кўҳсор — тоғлик ер.
 Лам'а — шу'ла, ёрқинлик.
 Лахт—бироз муддат, қисқа вақт.
 Лаҳв — ўйин-кулги.
 Лаҳи — гўзал ва оҳангли овоз.
 Лоуболи — бепарво.
 Мазаллат — хорлик.
 Мансух — ташланган, бекор бўлган.
 Маол — натижа, оқибат.
 Мардумдор — одамгарчилик.
 Марқум — ёзилган нарса.
 Марғула — жингалак соч.
 Масму' — эшитилган.
 Масоба — ўхшаш, баробар, даража.
 Масҳур — сиҳрланган.
 Махмур — хумори.
 Машом — думоғ, ҳидлаш, бурун.
 Машшота — пардозчи, оро беручи.
 Мағлул — кишанланган, занжирланган.
 Мағмум — қайғили, ғамли.
 Маҳжур — ўзоқлашган, ажралишган, жудо бўлган.
 Маҳтоб — ойдин.
 Мишвол — тариқа, йўсин.
 Мишо — май шишаси.
 Мир'от — ойна, кўзгу.
 Муанбар — атрланган, анбарланган, хушбўй.
 Мудакқиққ — нозиклигини сезгучи, ингичка нуқталарини анг-
 ловчи.
 Мужа — киприк.
 Мужда — яхши хабар, хушхабар.
 Музмаҳил — иссиқ йўқолган, маҳв бўлган.
 Музтариб — ташвишда, изтиробда қолган.
 Мукаддар — та'би хира.
 Мукаррам — ҳурматли, азиз.

Мукаррар — такрорланган.
 Мулоқот — йўлиқиш, учрашиш.
 Мунфайл — уялган, ҳижолат бўлган, та'сирланган.
 Минқор — тумшуқ.
 Мусаллам — таслим этилган, қойил қилинган, барчанинг ма'қул топгани.
 Мусалсал — бир-бирига занжир каби боғланган.
 Мусиқор — бир хил чолғу асбоби.
 Муставли — ёпилган, қамраб олган.
 Мустағни — ғани, бой, аҳтиёжсиз.
 Мустаҳсан — таҳсин этилган, ёқтирилган, хуш кўрилган.
 Мусаххар — тасхир қилинган, ўзига қаратилган, забт этилган.
 Мутриб — созанда, чолғучи.
 Мушк — хушбўй ҳид беручи қора тусли модда, ипор; мушки хўтан — хўтан ипори.
 Мушкин — хушбўй ҳидли.
 Мушобиҳ — ўхшаш.
 Муқаллид — тақлид қилучи.
 Муқаввас — ёй, камон шаклида, букилган
 Муқаллид—тақлид қилучи.
 Муғтанам — ғанимат.
 Набз — қон томири.
 Наво — баҳра, лаззат, оқ нола.
 Навозиш — сийлаш, эркалаш.
 Наврас — янги етилган, майса.
 Навҳа — овоз чиқариб йиглаш.
 Назокат — нозиклик.
 Наз' — жон узилиш пайти; тортиш; сугуриш.
 Найсон — баҳор чоғлари; абри найсон — баҳор булути.
 Накҳат — хушбўй, яхши ис.
 Наргис — оқ гул, сирин, бўтакўз.
 Нарм — юмшоқ.
 Настаран — хушбўй оқ гул.
 Насим — тонг шамоли.

Нафир — най товуши, қичқирқи.
 Нашот — хурсандлик, севинч, шодлик.
 Нахл — хурмо дарахти.
 Нақз — бузиш.
 Наҳиф — озғин.
 Нисор — сочиш.
 Ниш — тикон, заҳар, чақадиган ҳашарот найзаси.
 Ниҳод — вужуд, вазият, асос, қиёфат.
 Ноб — соф, холис, тоза, тиниқ.
 Новак — ўқ учи, қадимги замон ёйи (камон) билан отиладиган
 ўқ.
 Нол — қамиш қалам ичидаги қилтириқ.
 Нопадид — кўринмаган.
 Носпх — насихатчи.
 Нофа, ноф — киндак.
 Нофи' — фойдали.
 Нуктарас — ақлли, донишманд.
 Нурибасар — кўз нури.
 Обиҳайвон — оби ҳаёт — тириклик суви.
 Овон — вақтлар, пайтлар.
 Озурда — озор кўрган.
 Ойини — одат, расм.
 Ол — очиқ қизил ранг.
 Осиб — сифат, зарар, зиён, заҳмат.
 Осор — асарлар.
 Остин — енг.
 Сфоқ — осмон атрофлари, уфуқ.
 Ошуб — ғавғо, тўполон, шовқин, фитна.
 Ошуфта — боғланган, берилган.
 Оғуш — қучоқ.
 Паём — хабар.
 Пайкар — гавда, қомат.
 Пайкон — ўқ.

Паймона — пиёла, май идиши.
Паймон — шикан — ва'дани бузучи.
Печтоб — ўралиш, бураллиш.
Пеша — ҳунар, касб, одат.
Пираҳан (пироҳан) — кўйлак, кийим.
Порсо — тақво қилучи, сақланучи.
Равза — бор.
Рагидаст — қўл томири.
Раният — аҳоли.
Рамақ — умр охиридаги энг кейинги нафас.
Ранжур — касал, хаста.
Рафн' — юксак, баланд.
Раҳиқ — соф, шароб, май.
Рахшон — порлоқ.
Раҳ — йўл.
Ридо — дарвишлар бўйнига солиб юрадиган чодир.
Ринд — нозик табнат, олифта, бепарво, салтсувай.
Ришта — ип.
Ровий — ҳикоячи, тарихчи, ривоят қилучи.
Роҳиб — бутхона попи.
Руд — 1) чолғу; 2) ариқ.
Русум — расмлар.
Сабу — кўза, хумча.
Савсан — гулсафсар.
Савт — овоз.
Сад — девор, тўсиқ, ғов.
Саёдат — сайидлик, улуғлик.
Сайд — ов.
Саманд — юришли от.
Санда — бир нав' хушбўй ёғоч.
Сантур — бир чалғу асбоби.
Сарбоз — аскар.
Сарв — қомати келишган, текис бир дарахт.
Сарфароз — етишган, хурсанд, ҳурматланган.

Сафир — бу ерда товуш ма'носида, қушлар овози.
Сафо — софлик, тиниқлик.
Сафҳа — саҳифа, бет.
Са'д — яхши, бахт.
Саҳбо — қизил май.
Себарга — бир хил чиройли ўт, ёввойи беда.
Силк — навбат, қатор.
Сям — кумуш, симтан — кумуш тан, нозик тан.
Сиришк — кўз ёши.
Сканжа — исканжа, пресс.
Сойир — бошқа.
Соғар — қадаҳ, чиёла.
Субҳ — тенг.
Сувор — отга минган.
Суд — фойда
Суман — бирхил гул (жасмен).
Суханвар — сўзчан, сўзамол.
Сўзиш — куйиш.
Сўй — тараф.
Тааб — қийинчилик.
Таарруз — тақилиш, э'тироз, қаршилик.
Таб — иситма.
Таваққу' — илтимос, умид.
Тавсан — от.
Тазаллум — зулмдан зорланиш.
Тазвир — мақр-ҳийла.
Такаллум — сўзлаш, гапириш.
Талотум — тўлқин, пўртана.
Талх — аччиқ.
Тал'ат — қиёфат.
Тамкин — оғирлик, сабр.
Тана'ум — кайф-сафо, не'матланиш, не'матга эга бўлиш.
Тар — янги, ҳўл.
Тараб — шодлик, хурсандлик.

Тараишуҳ — сизиб оқиш.
 Тараҳҳум — раҳм, шафқат қилиш.
 Тариқ — йўл.
 Тарҳ — шакл, режа.
 Тароват — янгиллик, тозаллик.
 Тарсо — христиан.
 Тасалсул — бир-бирига занжир каби улаиш.
 Тасарруф — ўз ихтиёрига олиш, эгаллик қилиш.
 Тасниф — ёзиш, тузиш (асарин) .
 Тасхир — қўлга олиш.
 Ташбиҳ — ўхшатиш.
 Та'мир — обод қилиш, иморат солинш, бинонин тузатиш.
 Тақрир — сўзлаш.
 Тагофул — билиб билмасликка солинш, ғафлатда қолиш.
 Таҳайюр — ҳайрат, ҳайронлик.
 Тахолуф — эидлик.
 Тийр — ўқ.
 Тийра — қоронғи.
 Тифл — гўдак, ёш бола.
 Тоб — 1) тоқат, куч, 2) тўлғониш; 3) тобланиш.
 Туби — афсонавий бир дарахт.
 Тужжор — савдогар.
 Тўл — узун бўй, узунлик.
 Тулу' — чиқиш, қуёш ёки ойнинг чиқиши
 Тунд — аччиқ.
 Турра — кокил, ўрилган соч.
 Тўғро — 1) мактуб тепасида ёзиладиган, махсус сўз; 2) ки-
 тобларнинг бош қисми.
 Тўтиё — кўзни равшан қилучи дори.
 Фавт — йўқолиш, йўқотиш, ўтиб кетиш, ўлим.
 Фароз — юқори. баланд.
 Фарор — 1) тинчлик, 2) роҳат, бўшаш.
 Фархунда — муборак.
 Фасоҳат — сўзнинг очиқ равонлиги.

Фатонат — хуш фаҳмлик, зийраклик.
 Фаттон — фитначи, ортиқ фитна қилучи.
 Фигор — жароҳатли, ярали.
 Физо — қ. афзо.
 Филмасал — масалаи, ўхшаш.
 Фужжор — гуноҳкор, ёмонлик қилучи.
 Фузун — кўп, зиёда, ортиқ.
 Фупун — илм-фанлар.
 Узлат — кишилардан чекилиш.
 Узор — юз.
 Улум — илмлар.
 Уммон — дар'ё, бир дар'ёнинг номи.
 Уиноб — анор, мажозан: гўзалнинг юз олмаси, лабнинг қизил-
 лиги.
 Хад — юзнинг қизариб турган жойи.
 Хайл — гуруҳ. тўда, қўшни, аскар ҳам от.
 Хам — букилган, эгилган.
 Хатм — битириш, тамомлаш.
 Хеш-табор — қариндош-уруғ.
 Хил'ат — яхши кийим, сарпо.
 Хилқат — яратилиш.
 Хирад — ақл.
 Хиргоҳ — ўтов, чодир.
 Хиром — гўзал юриш.
 Хирқа — жанда, қуроқ тўн.
 Ховар — шарқ.
 Хок — тупроқ.
 Хома — қалам.
 Чавгон — от миниб ўйналадиган тўп (копток) ўйини; от усти-
 да туриб ердаги тўп (копток)ни урадиган илмоқ-
 ли ёғоч.
 Чалипо — бут, крест.
 Чашман иксир — гўё ҳарбир нарсани олтинга айлантириш ху-
 сусияти бўлган афсонавий ким'ё булоғи.

Чин — жингалак, бурама, ажин.

Чин нофаси — нофа (мушк) кийикнинг киндаги бўлиб, жуда хушбўй нарсa, эски замонда буни Тибетдан келтирилар эди. Шунинг учун уни чин нофаси «нофаи чин» деб атар эдилар.

Чобук — чаққон.

Чоҳи Бобил — эски Вавилион халқларининг тушунчасича: афсонавий қудуқ; гўё одамлар ундан сиҳргарликни ўрганар эмишлар.

Чоҳи-зақан — кулганда юзда ҳосил бўладиган чуқурча, за-нахдон.

Шабих — ўхшаш.

Шабранг — тим қора.

Шажар — дарахт.

Шамим — ҳид, ис, хушбўй.

Шамман — гардтак, андак.

Шаҳпар — қанот.

Шаҳсувор — чавандоз.

Шева — одат, равиш.

Шеван — нола, зори.

Шикан — синиқлик, эгилган.

Шканж — соч учининг қўнғироқ, жингалак бўлиб туриши.

Шитоб — сур'атлик, тезлик.

Шобош — офарин (ундов).

Шодоб — сероб, тоза.

Шона — тароқ.

Шукр омиз — хурсандлик сўзи.

Шукуфа — мевали дарахт гулининг очилиши.

Шуо' — шу'лалар.

Шўриш — ғавғо, ғалва.

Шўх-шанг — шўх ва гўзал, ўйноқ.

Эрам — афсонавий бор.

Э'жоз — му'жиза кўрсатиш.

Ялдо — узун ва қоронғи тун

Яман — Арабистон шаҳарларидан бирининг номи.

Яғмо — талон-торож.

Юсуф — Юсуф Я'қуб ўғли, афсонавий бир шахс. Эски ада-
биёт намуналаридан «Юсуф Зулайҳо» достони-
нинг бош қаҳрамони.

Қабо — устки кийим.

Қабоил — қабилалар.

Қамар — ой.

Қийл-қол — гап-сўз.

Қосид — хабарчи.

Қуллоб — темир чангакча, қармоқ, тортучи.

Қурс — кулча.

Ғабғаб — бақбақа.

Ғалтон — юмолоқ, қийматбаҳо нарса.

Ғамбода — ғамли.

Ғамгусор — ғамхўр, меҳрибон.

Ғамзудо — қайғини кетказучи.

Ғизо — овқат.

Ғизола — ғизол, кийик, оҳу, жейрон.

Ғоза — қизил рангли упу.

Ғул — бўйинга солинадиган кишан, занжир.

Ҳазор — минг.

Ҳам'ннон — жиловдош, ёндош.

Ҳамойил — бўйинга солинадиган нарса, тумор.

Ҳамнишин — бирга ўлтиручи, улфат.

Ҳилм — юмшоқлик.

Ҳилол — янги ой.

Ҳуд-худ — попишак, сассиқ попишак.

Ҳумо — афсонавий бир қуш.

Ҳумро — қизил.

Ҳуққа — қийматли тошлар сақланадиган қутича

Yulduz

МУНДАРИЖА



Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат Холид Расул . . . 7

I. Ма'рифатга муҳаббат туйғулари

Гимназия	23
Телеграф баёнотида	26
Суворов ҳақида	30
Рус аскарлари та'рифида	33
Электрик лампочкаси ҳақида	41
Рояль ҳақида	43
Тўф!	46

II. севги орзулари

+ Баҳор айёмида	49
Умр ҳуш ўтмас	50
Гул	51
Келинг, эй аҳбоблар	52
Келтурур	53
Келинчак	54
Кечалар	55
Айб этма	57
Ёр юзи тўғрисида	58
Сайр боғ этсанг нетар?	59
Ул паридек	60
Йўқ	61
Мунча золим...	62